Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 301 (13.257).
25 ДЕКАБРЬ 1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 декабрь эрталаб соат 10 да Тошкентда Олий Советнинг мажлислар залида олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси очилди.

Раис столи ёнида республика Олий Советининг Раиси депутат **О. Содиқов**, Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар **П. Ержанова, В. И. Коваль** ўтиришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумат аъзолари ҳукумат ложаларига чиқадилар.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги Давлат плани тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги Давлат бюджети тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармонларини тасдиқлаш.

Кун тартибига киритилган масалаларни караб чиқиш юзасидан қабул қилинган тартибга биноан, Олий Совет ўзининг биринчи мажлисида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги Давлат плани тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг Раиси депутат **С. К. Зиёдуллаевнинг** докладини, Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги Давлат бюджети тўғрисида республика молия министри депутат **В. М. Муродхўжаевнинг** докладини тинглади. Республика Олий Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат **F. F. Юсуповнинг** қўшимча доклади ҳам тингланди.

Мажлисда кун тартибидаги дастлабки икки масала юзасидан музокара бошланди. Музокарада депутатлардан **Х. Холхонов** (199-Маданият сайлов округи), **А. И. Бродова** (14-Сельмаш сайлов округи), **В. С. Содиқова** (238- Қўқимбой сайлов округи), **П. О. Чекин** (326-Риждувон сайлов округи), **М. З. Ҳомидхонов** (356- Амударё сайлов округи) сўзга чиқдилар.

* * *

Соат 16 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бошланди. Бу мажлисда сессия кун тартибидаги дастлабки икки масала юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда депутатлардан **В. К. Доленко** (398-Калинин сайлов округи), **А. А. Хўжаев** (256- Боғишамол сайлов округи), **П. И. Садименко** (34- Ўзбекистон сайлов округи), **П. Ержанова** (346- Пристань сайлов округи), **А. Ф. Гаврилов**, (167-Москва сайлов округи), **М. Умаров** (428-Киров сайлов округи), **А. К. Каримов** (39- Чилонзор сайлов округи), **И. Жалилов** (402- Посёлка сайлов округи) сўзга чиқдилар.

А. Н. Косигин Ҳиндистон ташқи ишлар министрини қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Москвага ташриф буюрган Ҳиндистон республикаси ташқи ишлар министри Сардор Сварен Сингхни 24 декабрда қабул қилди. Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси Т. Н. Кауль Сардор Сварен Сингхга ҳамроҳ бўлди.

А. Н. Косигин билан Сардор Сварен Сингх ўртасида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан самимий, дўстона суҳбат бўлди. Бу суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

(ТАСС).

А. Н. Косигин Замбия Республикасининг яхши ният миссиясини қабул қилди

Замбия Республикасининг Москвада меҳмон бўлиб турган молия министри А. Вина ва қишлоқ хўжалиги министри Э. Мудендилардан иборат яхши ният миссиясини СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 24 декабрда Кремлда қабул қилди. Замбия Республикасининг СССРдаги элчиси В. Мваанга Замбия миссиясига ҳамроҳ бўлиб келди.

Самимий ва ошкора суҳбат вақтида дўстона Совет — Замбия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари устида, шунингдек актуал халқаро проблемалар, хусусан зимбабве халқининг озодлик ва миллий мустақиллик учун олиб бораётган адолатли курашига бутун чоралар билан мадад бериш масаласи устида фикрлашиб олинди. (ТАСС).

Суратда: Ўзбекистон ССР Олий Совети VII сессиясининг мажлислар залида.

И. Глауберзон фотоси.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Наманган шаҳар саноат корхоналари коллективлари съезд олди мусобақасини авж олдириб йиллик планни 18 декабрда бажаришга эришдилар. Планга қўшимча 1.365 минг киловатт-соат электр энергияси, 1.830 минг дона ғишт, 2.804 тонна пахта толаси, 94 тонна макарон-кондитер маҳсулотлари, 3.489 тонна ун ишлаб чиқарилди. Шунингдек, анчагина миқдорда газлама, кийим-кечак, трансформатор, электротехника асбоблари тайёрланди.

Шаҳардаги 36 корхонадан 20 таси шу кунларда 1966 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётир. Йил охиригача яна камида 3.500 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш учун кураш давом этмоқда.

А. ХАЙРОВ.

□ □

Тошкент областидаги Қуйи Чирчиқ колхозлараро қурилиш ташкилотининг меҳнат аҳли қурилишмонтаж ишлари бўйича йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этди. Ҳаммаси бўлиб 198 объект фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг ўзида меҳнаткашлар 188 янги уйда ҳовли тўйлари ўтказдилар. Юз ўринли иккита касалхона ишга туширилди. 1.320 ўринли икки мактаб фойдаланишга топширилди.

Бинокорлар меҳнатда эришаётган янги муваффақиятларини партиямизнинг навбатдаги съездига бағишлашмоқдалар. Йил охиригача «Заря коммунизма» колхозида янги ҳаммом, водопровод тармоқлари қуриб битказилади. Янги қўчиб келган колхозчилар учун қурилаётган 72 уй битай деб қолди. 400 ўринли мактаб биноси қурилишида охирги ишлар бажарилмоқда.

Х. ЖУРАЕВ.

□ □

Ўрта Осиё темир йўлининг меҳнаткашлари колхоз ва совхозларга минерал ўғитлар етказиб беришни тезлаштирмоқдалар. Қўқон суперфосфат заводи станцияга ўз маҳсулотини белгиланган муддатларда етказиб беряпти. Қўқон станцияси коллективи завод ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб минерал ўғитлар жўнатиш топшириқларини муваффақиятли адо этаётирлар. Селитра цехларнинг ўзида қудратли механизмлар ёрдами билан вагонларга ортилмоқда. Натижада вагонларнинг юк ортиш вақтида бекор туриши 20 минут қисқарди. Магистралдаги Бўзсув станцияси коллективи Чирчиқ электрохимия комбинати билан, Фарғона азот-ўғитлари заводи Охунбобоев станцияси коллективи билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бу эса минерал ўғитларни пешма-деш ортиб жўнатишга имкон бермоқда.

Н. КРАВЧЕНКО.

ФОТОЛАВҲАЛАР

Каримахон Насриддиновани танийсизми? Андижонда уни танимайдиган одам йўқ. Касбига меҳри ва ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топган бу мастер Володарский номли тикув фабрикасининг фахри. Партия XXIII съезди шарафига вахтада туриб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига эришмоқда. У бошқараётган смена топшириқларни ҳамиша орттириб бажаришга муваффақ бўлаётир. Юқоридаги суратда: корхонанинг 7- цех мастери Каримахон Насриддинова.

◆

Пастдаги суратда «Востоконефтепровод» трестининг Хоразм шаҳрида жойлашган 4-бошқармаси ишчиларидан Исмонд Бобожонов ва Жумабой Сафаев ўртоқларни кўрнб турибсиз. Улар Урганч шаҳрида уй-жой биноларининг тез қад кўтаришида алоҳида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

А. Тўраев фотолари

ТОШКЕНТЛИКЛАР ЗАФАРИ

Партиямиз Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари янги йил арафасида янгидан-янги зафарларга эришмоқдалар. Куни-кеча область деҳқонлари экин майдонларини шудгорлаш планини ортиғи билан бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Ҳаммаси бўлиб 203 минг 488 гектар майдон сифатли қилиб шудгорланди. Бу муваффақиятда Оққўрғон, Калинин, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районлари механизаторларининг ҳиссаси каттадир.

Тошкентлик чорвадорлар давлатга сут сотиш планини муддатидан илгари ортиғи билан адо этдилар. Эл дастурхонига 52 минг 75 тонна сут етказиб берилди. Сутни мўл-кўл қилишда Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Калинин ва Оққўрғон районларининг чорвадорлари қўшган ҳисса айниқса катта бўлди. Шунингдек, область сабзавоткорлари давлатга 26 минг 768 тонна картошка сотиб, йиллик планни ошириб бажардилар.

Областдаги колхоз-совхозларда давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш қизғин давом этмоқда.

ҲОРМАНГ ЭНДИ, ИШЧИЛАР!

Мана бир неча кундирки, Андижон областидаги ўнлаб саноат корхоналари нелгуси йил ҳисобига ишлаяпти. Паҳлавон областда йиллик планни тўлдириб, довон ошган завод, фабрикаларнинг сони 60 дан ортиб кетди.

Ғолиблар даврасининг бошида Андижон гидролиз заводининг аҳдига вафодор азаматлари туришибди. Давлатга нуқул фойда бераётган машъал корхонанинг марди-майдонлари 27 ноябрдаёқ маррага ғалаба байроғини тикиб қўйган эдилар. Меҳнат унумдорлиги 10 процент кўтарилиб, маҳсулот таннархи 6,8 процент арзонлаштирилди. Ҳозиргача планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Куни кеча Андижон «Электроаппарат» заводидан хушхабар олинди. Наманган трансформатор заводи, Андижон мебель, Володарский тикувчилик фабрикалари, Москва ва «Гулбор» пахта заводларининг коллективлари ҳам мусобақада олдингилар қаторида бормоқдалар.

КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган область саноатчилари ҳам йиллик планни бажардилар. Бу йил областда ялпи маҳсулот ҳажми бултургига нисбатан 6 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги ўн бир ойда 4 процент оширилди. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 1 миллион 822 минг сўм маблағ жамгарилди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошираётган Андижон саноатчилари ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача яна 8,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҒОЛИБЛАР

ПАЙАРИҚ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область партия комитети ва область ижроия комитетининг илғорлар учун таъсис этилган кўчма Қизил байроғини икки ўн кунликдан бери ўз қўлларида сақлаб келаётган Пайариқ районининг пахтакорлари кузги шудгорлаш планини сифатли тугалладилар. Район колхозлари ва совхозлари КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани кучайтириб, ялмикор ерларни ҳайдаш топширигини ҳам ошириб бажардилар. Шу кунгача районда 28 минг 500 гектар ўрнига 31 минг гектар ер шудгорлаб қўйилди. Ҳайдалган ерлар маҳаллий ва минерал ўғитлар билан яхшилаб ўғитланди. Кузги шудгорни биринчи бўлиб тамомлаган Навоий номли, Ленин номли, Калинин номли колхозлар ариқ-зовурларни қазиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ишларини қизғин давом эттирмоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ.

КУНИГА 75-80 ТОННАДАН

Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозида маҳаллий ўғит тўплашга катта эътибор бериляпти. Бу ерда алоҳида бригада тузилди ва унга 50 колхозчи, 4 автомашина ҳамда бир неча теледка бириктиб қўйилди. Ҳар куни 75-80 тоннадан ғўнг тўпланмоқда. Кейинги икки ҳафта ичида 2400 тоннадан ортиқ ўғит жамгарилди.

Н. ХУДОЕРОВ.

АҚШНИНГ ИМПЕРИАЛИСТИК АГРЕССИЯСИГА ҚАРШИ

Курашда бирдамлик ва мададкорлик

Вьетнам Демократик Республикаси Бош министрининг ўринбосари, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси Ле Тхань Нги бошчилигида Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумат иқтисодий делегацияси 6 декабрдан 22 декабрга қадар Совет Иттифоқида бўлди.

Ле Тхань Нги Москвада бўлган вақтида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев билан ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан самимий, дўстона суҳбатлар қилди.

Қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар вақтида Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар натижасида томонлар Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасига бундан буён ҳам иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатиши тўғрисида ҳамда Совет ва Вьетнам молларини 1966 йилда ўзаро етказиб бериш тўғрисида битимлар тузиб олдилар.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Вьетнам халқининг АҚШнинг империалистик агрессиясига қарши олиб бораётган курашида вужудга келган эҳтиёжларни ҳисобга олиб, Вьетнам Демократик Республикасига халқ хўжалигини ривожлантиришда атрофлича ёрдам кўрсатмоқда.

Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати иқтисодий делегацияси Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасига кўрсатаётган ҳар томонлама ёрдамига юксак баҳо берди. Вьетнам Демократик Республикасининг экономикасини ривожлантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишига берилаётган мана шу беҳаҳо ва самарали ёрдам учун, Вьетнам халқининг озодлик курашига берилаётган актив мадад учун делегация Вьетнам халқи номидан КПССга, Совет ҳукуматига ва бутун совет халқига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

* * *

Совет — Вьетнам ҳужжатлари имзоланиб бўлганидан кейин 21 декабрда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков нонушта зиёфат берди. В. Н. Новиков зиёфатда нутқ сўзлаб вьетнамлик дўстларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, музокаралар муваффақиятли тамомланганлиги ва битимлар имзоланганлиги билан мубораббод қилди. Совет халқи, деди у, Вьетнам Демократик Республикасига Америка империалистларининг агрессиясига қарши олиб бораётган курашида, мамлакат экономикасини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришда ҳар томонлама зарур ёрдам ва мададни ҳамиша бериб келди ва бундан буён ҳам бераверади.

Ле Тхань Нги ўзининг жавоб нутқида айтдики, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Шимолий Вьетнамда янги шароитда социализм қуриш ишларини янада олдинга силжитишгагина ёрдам беради, шу билан бирга Вьетнам халқини Америка империалистларига қарши, ўз Ватанини қутқариб қолиш учун олиб бораётган курашидаги энг ҳал қилувчи тарихий босқичда иқтисодий ва ҳарбий потенциални кўпайтиришга ҳам ёрдам беради.

Шимолда ҳам, Жанубда ҳам, деди Ле Тхань Нги, Вьетнам халқи кундан-кунга тобора янгидан-янги катта ғалабаларга эришмоқда. Америкалик агрессорлар устидан тўла ғалаба қозонмоқ учун бу курашни охирига етказишга маҳкам бел боғлаганмиз.

Вьетнам Демократик Республикаси Бош министрининг ўринбосари кўрсатаётган ҳайрихоҳлиги ва бераётган қимматли ёрдами учун буюк совет халқига Вьетнам халқининг самимий миннатдорчилигини изҳор қилди. Бизнинг бутун халқимиз, деди у, Совет Иттифоқида Вьетнамга қўмаклашиш йўлида, Америка империалистларининг агрессия урушига қарши кенг кампания янги формаларда авж олдирилаётганлигини хурсандлик ва мамнуният билан қайд қилмоқда. Биз жуда хурсанд бўлиб, шуни айтишимиз керакки, ҳозирги вақтда Москвада, ҳамда жуда кўп шаҳарлар ва қишлоқларда совет халқи Вьетнамни қувватлаб, Америка империалистларининг агрессия урушига қарши митинглар ва йиғилишлар ўтказмоқда. Совет халқининг вакиллари АҚШнинг Москвадаги элчихонасига норозилик резолюцияси топширдилар ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг элчихонасига ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг ваколатхонасига Вьетнам халқи билан ўзларининг ҳайрихоҳ ва бирдамликларини изҳор қилдилар. Кенг ва чуқур авж олдирилаётган бу кампания муқаррар равишда ҳар томонлама ўз таъсирини ўтказа беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати ва халқи томонидан Вьетнам халқининг курашига кўрсатаётган ёрдам халқимизни гоят руҳлантирмоқда ҳамда Америка агрессиясига қарши, Ватанни қутқариб қолиш учун курашда унга зўр куч бағишламоқда. Ёрдам кўрсатиш ва иқтисодий кўмаклашиш тўғрисида мамлакатларимиз ўртасида имзоланган битимлар халқимизнинг курашига берилган қимматли мадад ва ёрдам бўлиб, ялпи революцион ишда мамлакатларимизнинг халқлари ўртасидаги жанговар жипслиги мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга актив ҳисса бўлиб қўшилади.

Олижаноб пролетар интернационализми руҳида кўрсатилаётган ҳайрихоҳлик мадад ва катта ёрдам учун Ле Тхань Нги КПССга, Совет ҳукуматига ва кардош совет халқига Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва Вьетнам халқи номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилди. У, Вьетнам халқи билан совет халқи ўртасидаги жипслик, дўстлик ва яқин ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамлана ва ривожлана берсин, деб истак билдирди. Делегация бошлиғи совет халқига коммунизм қуриш ишида порлоқ муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган тракторлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналарининг ҳамда автомобилларга, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарига керакли запас қисмларнинг улгуржи нархлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Шу қарорга мувофиқ, 1966 йил 1 январдан бошлаб юк автомобиллари, тракторлар, прицеплар ва қишлоқ хўжалик машиналари колхоз ва совхозларга саноат ва бошқа истеъмолчилар учун амалда бўлган улгуржи нархларда берилади.

Автомобилларга ва қишлоқ хўжалик машиналарига керакли запас қисмлар, пластмассадан, резина ва асбестдан ясалган буюмлар ва деталлар 1966 йил 1 январдан бошлаб барча истеъмолчиларга шу маҳсулотлар учун амалда бўлган ягона улгуржи нархлар ўрнига улгуржи нархлар билан берилади.

1966 йил 1 январдан бошлаб шина, электр ускуналар, приборлар ва ёқилғи аппаратларнинг ягона улгуржи нархлари ўрта ҳисобда 20 процент ва тракторларнинг запас қисмлари нархи ўрта ҳисобда 10 процент камайтирилади.

Енгил автомобиллар колхозларга улгуржи нархларда сотиладиган бўлади.

Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмасига тракторлар, комбайнлар ва двигателларни капитал ремонт қилиб беришнинг янги муваққат минтақа нархларини тасдиқлашга ва 1966 йил 1 январдан жорий этишга рухсат берилди.

СССР Госплани ҳузуридаги нархлар давлат комитетига колхоз ва совхозларига бир йилга ҳисоблаганда қариб 450 миллион сўм миқдорида иқтисодий манфаат келтиради.

СССР Госплани ҳузуридаги нархлар давлат комитетига кам талаб қилинадиган ёни ишлатилишдаги кўрсаткичлари (унумдорлиги, ремонтсиз ишлаш муддати ва шу каби кўрсатгичлари) улгуржи нарх тасдиқланган вақтдагидан паст бўлиб чиққан қишлоқ хўжалик тракторлари ва қишлоқ хўжалик машиналарининг, шунингдек уларга керакли запас қисмларнинг улгуржи нархларини пасайтириш ва нархларни пасайтиришдан ҳосил бўлган суммани ана шу машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилган ташкилотлар ёни уларни тайёрлаб берган корхоналар ҳисобига ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат колхоз ва совхозларига бир йилга ҳисоблаганда қариб 450 миллион сўм миқдорида иқтисодий манфаат келтиради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1966 ЙИЛГИ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госпланининг Раиси депутат С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги давлат план лойиҳасини Олий Совет муҳокамасига киритади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бу сессияси КПСС Марказий Комитети март, сентябрь ва декабрь Пленумларининг тарихий қарорларидан руҳланган совет халқи КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кенг авж олдираётган вазиятда тўпланди. Бу қарорларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантиришга ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Етти йилликнинг охирги йили бўлган 1965 йил тугай деб қолди. Бу йил республика меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан халқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Саноат ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилади, ялпи маҳсулотнинг ҳажми эса 1964 йилдагига нисбатан 12,3 процент кўпаяди. Энг тез суръатлар билан ривожланаётган тармоқ электр энергия ҳосил қилиш 24,7 процент, рангли металлургия маҳсулоти 42 процент, химия саноати маҳсулоти 27 процент, газ саноати маҳсулоти 67 процент, нефть қазиб чиқариш 16 процент, машинасозлик саноати маҳсулоти 13 процент кўпайтирилади.

Саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш кўпайтирилади: минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 462 минг тонна ёки 27 процент, тракторлар ишлаб чиқариш 10 процент, қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш 18,8 процент, пахта терими машиналари ишлаб чиқариш 11 процент, цемент ишлаб чиқариш 15 процент, ипак газламалар ишлаб чиқариш 9 процент, тўқилмаган материаллар ишлаб чиқариш 18 процент, устки ва ички трикотаж ишлаб чиқариш 23,7 процент, маданий рўзғор моллари ишлаб чиқариш 21 процент кўпайтирилади.

Меҳнат унумдорлиги саноатда пландаги 5,4 процент ўрнига 7,3 процент, қурилишда пландаги 6,3 процент ўрнига 8,6 процент ошади.

Бироқ, нефть чиқариш ва олтингугурт кислотаси, экскаваторлар, йиғма темир-бетон конструкциялар, пайпоқлар, кондитер буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш топшириқлари тўла бажарилмай қолади. Бунинг асосий сабаби шуки, янги қувватларни ишга солиш кечикиб кетди, ишга туширилган қувватлар секинлик билан ўзлаштирилмоқда, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишда камчиликлар содир бўлмоқда ва бошқа нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Сизларга зўр хурсандлик билан шуни маълум қиламизки, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сув таҳқислиги натижасида вужудга келган қийинчиликларни енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга уч миллион 900 минг тоннадан знёд пахта сотдилар. Демак, планда кўзда тутилганидан давлатга 300 минг тоннадан знёдроқ кўп пахта топширилди. Етти йиллик планнинг 1965 йил учун белгиланган топшириғи ошириб бажарилди. Топширилган пахтанинг 90 процентдан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди.

Энг муҳими шуки, пахта етиштириш ва уни давлатга сотиш планини ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон АССР, деярли ҳамма районлар ҳамда колхоз ва совхозларнинг катта кўпчилиги бажарди. Бу эса шу билан бирга КПСС XXIII съезди шарафига республика ўз зиммасига олган оширилган мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришларини таъминлади.

Бу йил пахта териш техникасининг роли тағин ҳам кучайиб кетди. 1958 йилдаги 2 процент ўрнига бу йил жамики ҳосилнинг қариб тўртдан бири машиналарда териб олинди.

Совет пахтачилиги тарихида Ўзбекистон давлатга ҳеч қачон шу қадар кўп пахта топширмаган эди. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси номидан республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини ажойиб ғалаба билан чин кўнгилдан қутлашга ва уларнинг олижаноб меҳнатларида янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Давлатга шоли, ғалла, қорақўл тери, жун, тухум, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум сотиш топшириқлари ошириб бажарилди.

Чорвачиликдаги ишларнинг аҳволи анча яхшиланди. Колхозларда, совхозларда ҳам, шунингдек аҳоли хўжаликларида ҳам чорва туёғи кўпайди.

Бутун республикада сув хўжалиги қурилиши соҳасида катта ишлар олиб борилди. Мирзачўлни ўзлаштириш плани икки йилдан бери ошириб бажарилмоқда, Қарши даштида, Сурхондарё областида, Қорақалпоғистон АССРда ва бошқа жойларда ерларни ўзлаштириш ишлари тобора кенг авж олдирилмоқда. Аму—Бухоро каналини қуриш ишлари тамомланди ва бу йилнинг ўзидаёқ Бухоро области Амударёдан сув олди. Шу тариқа Зарафшон водийсидаги ерларни сувга қондириш масаласи узил-кесил ҳал қилинди.

Республика қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда ҳали ҳам камчиликлар ва ҳал этилмаган вазифалар бор. Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишлари планда мўлжалланганидан анча орқада қолмоқда; ерларнинг шўр босишини йўқотиш ва суғориладиган ерларнинг захини кетказиш учун керакли бўлган мелиорация ишлари етарли равишда олиб борилмаётир; пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш топшириқлари бажарилмаётир; ем-хашак базасини ривожлантириш чорвачилик эҳтиёжларидан кейинда қолмоқда; қишлоқ хўжалик техникасидан етарли равишда унумли фойдаланилмаётир; сабзавот, гўшт, сут, мева ва узум етиштириш топшириқлари бирмунча кам бажарилмоқда; баъзи колхозлар ва совхозларнинг рентабеллигини оширишга ҳали ҳам эришганимиз йўқ. Бу камчиликларни мумкин қадар тезроқ йўқотишимиз лозим.

Капитал маблағ сарфлаш ўтган йилдагига нисбатан 15 процент ошириди. Шу билан бирга асосий фондларни ишга тушириш анча кўпайтирилади.

Навоий химия комбинатида аммиак ва соф цианамид ишлаб чиқарадиган, Олтинтопкан комбинатида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган катта қувватлар, Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида магний хлорати, дефолиантлар ишлаб чиқарадиган цехлар комплекси ишга туширилди. Тошкент ва Навоий давлат район электростанцияларида 450 минг киловатт электр берадиган қувватлар ишга туширилди.

Бироқ, шу нарсага эътибор бериш керакки, капитал маблағлардан 11 ой ичида 67 миллион сўмдан кўпроғи ўзлаштирилмай қолди. Асосий фондларни ишга тушириш плани 52 процент бажарилди, холос.

Социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий мақсади халқнинг турмуш даражасини оширишдир. 1965 йилда бу соҳада катта-катта ишлар қилинди. Республиканинг миллий даромади ошди.

Дастлабки қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, пахта етиштириш плани ошириб бажарилганлиги ва пахта сифати анча яхшиланганлиги ҳисобига колхоз ва совхозларнинг даромадлари планда кўзда тутилганига нисбатан тахминан 180 миллион сўм миқдорида кўпаяди. Бу эса пахтакор хўжаликларда меҳнатга тўланадиган ҳақни анча оширишга имкон беради.

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотини ошириб бажарилмоқда. Аҳолига ўтган йилдагидан 290 миллион сўмликдан знёдроқ мол сотилади.

Ҳаммаси бўлиб, 1 миллион 400 минг квадрат метр уй жой майдони фойдаланишга топширилади, шу жумладан давлат капитал маблағлари ҳисобидан 850 минг квадрат метрли уй-жой майдони қуриб берилди. Бундан ташқари колхозчилар учун 21 минг уй қурилади, мактабгача тарбия болалар муассасаларидаги жойлар, умумий таълим мактаблари, касалхоналар ва бошқа социал-маданий муассасалар ҳам қўпайтирилади.

Ҳамма министрликлар, идоралар ва область ижроия комитетлари уй-жой майдонларини ҳамда маориф, соғлиқни сақлаш ва маданият объектларини қуриб битказиш планларини бажаришни таъминлаганларида эди, биз тағин ҳам кўпроқ натижаларга эришган бўлур эдик. Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сурхондарё ва Сирдарё область ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети уй-жой майдонларини, мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуриб битказиш планини бажаришда орқада қолмоқдалар.

Бу камчиликларни мумкин қадар тезроқ тугатишимиз ҳамда Ўзбекистон ССР хўжалигини тағин ҳам тезроқ суръатлар билан ривожлантирмоқ учун жуда катта резервлар ва имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланишимиз лозим.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу сессияси муҳокамасига киритилган 1966 йилги давлат плани лойиҳасида социалистик ишлаб чиқаришни янада ўстириш ва унинг самаралилигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш, аҳоли турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини ошириш кўзда тутилади.

САНОАТ ВА ТРАНСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Республиканинг жамики ялпи маҳсулоти ва миллий даромадида белгиловчи ўринни саноат олиб турибди. Бутун халқ хўжалигининг ривожланиши саноатни ўстириш даражасига ва суръатларига боғлиқ.

Саноатнинг ялпи маҳсулоти 1966 йилда 1965 йилда кутилаётган бажарилиш миқдорига нисбатан 10,2 процент кўпаяди. Химия, нефтни қайта ишлаш ва газ саноатлари, рангли металлургия, электр энергия ҳосил қилиш анча тез суръатлар билан ривожлантирилади. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқараётган тармоқларни, яъни енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантиришга планда алоҳида эътибор берилди.

Электр энергия ҳосил қилиш 12,9 миллиард киловатт-соатга етказилади, яъни 1965 йилдагига нисбатан 13 процент кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалигида электр энергия ўтган йилдагига қараганда 33 процент кўп истеъмол қилинадиган бўлади.

Энергетикани ривожлантиришга 49,7 миллион сўм, яъни 1965 йилдагига қараганда 10,4 миллион сўм кўп пул берилди. Тошкент ва Навоий давлат район электростанцияларида ҳамда Фарғонадаги иккинчи теплоэлектроцентралда жами 300 минг киловаттли янги қувватларни ишга туширишга мўлжалланмоқда. «Ўзбекгидроэнергострой» трести Чорвоқ гидроэлектростанциясини қуриш ишларини кескин равишда яхшилаши зарур. Тахиатош ГРЭСи қурилишининг янада орқада қолиши эса Амударёнинг этакларида электр энергиясининг кўп миқдорда етишмай қолишига олиб келади. 7 минг километрга яқин янги электр линиялари қуриш, шу жумладан қишлоқ хўжалигини электрлаштириш учун 6.100 километр тақсимловчи линиялар қуриш мўлжаллаб қўйилди.

Колхозчилар ва совхоз ходимларидан 84 минг хонадон электрлаштирилади. 1966 йилнинг охирига бориб, 800 га яқин колхоз ва 160 совхоз давлат системаларидан электр энергия оладиган бўлиб қоладилар.

Ёқилғи саноати тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу саноатнинг ялпи маҳсулоти бир йил ичида 29,6 процент кўпаяди. Бу эса республиканинг мамлакатимизнинг энг катта ёқилғи базаси бўлиш ролини тағин ҳам кўпроқ оширади. Газ чиқариш 16,5 миллиард куб метрдан 23,7 миллиард куб метрга етказилади, яъни 43,5 процент кўпайтирилади. Уралнинг саноат районларига 17,6 миллиард куб метр, қўшни Қозоғистон ва Тожикистон республикаларига 800 миллион куб метр чамаси газ юборилади. Газ қувурлари шохобчалари кўпайтирилади.

Нефтни қайта ишлаш анча (44,1 процент) кўпайтирилади. Нефтнинг саноат запасларини кўпайтириш мақсадида нефть қидириш учун чуқур пармалаш ишлари кучайтирилмоқчи.

Кўмир қазиб чиқариш 130 минг тонна, кўмир брикетлари чиқариш 2,7 баравар кўпайтирилади. Оҳангарон дарёсини кўмир разрезидан муттасил четлаштириш ишлари давом эттирилади, Ангренда йилига 4,5 миллион тонна кўмирни саралаб, сортларга ажратадиган корхоналар қуриш бошлаб юборилади. Бу комплексни 1968 йилда ишга тушириш аҳолини кўмир билан таъминлашни яхшилашга имкон беради.

Пўлат ва прокат чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 1966 йилда **рангли металлургия** тағин ҳам тез ривожлантирилади. Бу саноат тармоғининг ялпи маҳсулоти 27 процент кўпайтирилади. Энг муҳими шуки, капитал маблағларни сарфлаш унчалик оширилмаган ҳолда ялпи маҳсулот ҳажмини шу қадар анча кўпайтиришга эришилади.

1966 йил планида **химия саноатини** янада ривожлантириш кўзда тутилади. Бу саноатнинг ялпи маҳсулоти 10 процент кўпайтирилади.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 2,5 миллион тоннадан знёдроқ миқдорга етказилади, яъни бу йилдагидан 386 минг тонна ёки 18 процент кўп минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Дефолиантлар ва ўсимликларни ҳимоя қилувчи химиявий воситалар ишлаб чиқариш ҳам анча кенгайтирилади.

Химия саноатидаги қувватларни кўпайтириш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун 62,3 миллион сўм ёки 1965 йилдагига қараганда 17 процент кўп маблағ ажратилади. Навоий химия комбинатида ва Чирчиқ электрохимия комбинатида аммиак ва аммиакли селитра ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Жиззах шаҳрида пластмасса қувурлар ва фитинглар ишлаб чиқарадиган завод қурила бошлайди. Бу материалларнинг сув хўжалиги қурилиши учун катта аҳамияти бор.

Машинасозлик саноати маҳсулотининг ҳажми 10 процент кўпайтирилади. 8 мингта пахта териш машинаси, 16 мингта культиватор, 1965 йилдаги 2 мингта ўрнига етти мингта пахта подборщиги, 20 мингта трактор, 30 мингта трактор прицепи ишлаб чиқарилади.

Экскаваторлар, компрессорлар, электр двигателлар, куч трансформаторлари, центробеж насослар ва бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

1966 йилда республикада бир қанча янги машиналарни, суғориш каналлари қуриш, янги ерларни ўзлаштириш ва суғоришда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш учун керакли машиналар комплексини, аппаратлари унификация қилинган пахта териш машиналарини, унификация қилинган культиваторларни, «РЛ-192», «Р-260-3» маркали пилталаш машиналарини, кўп таянчли осма электр кранларни ва бошқаларни кўплаб ишлаб чиқариш биринчи марта ўзлаштирилади.

Машинасозлик заводларини ривожлантиришга 24,3 миллион сўм пул ажратилади, яъни бунинг учун ажратилган маблағ ўтган йилдагидан 11 процент кўпайтирилади.

Андижон машинасозлик заводида пўлат қуйма тайёрлаб берадиган цехни қуриб битказиб, ишга туширишга, «Андижанирмаш» заводининг бош корпусини, Тошкентдаги электр-техника заводининг бош корпусини, Тошкент кабель заводидаги алоқа корпусини, Тошкентдаги пластмасса буюмлар заводининг бош корпусини, Чирчиқ трансформатор заводининг биринчи навбатини қуриб битказиш ва ишга туширишга кўзда тутилади. Трансформатор заводини ишга туширишга мана шу корхонада қувватини 50 минг киловольт-амперга ҳисобланган катта трансформаторлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Бинокорлик материаллари: цемент, деворбоп материаллар, йиғма темир-бетон конструкциялар **ишлаб чиқаришни** кўпайтиришга планда катта эътибор берилди. Ҳаммага маълумки, 1965 йилда қурилишлар деворбоп материаллар билан етарли таъминланмаганлиги сабабли бинокорлар анча қийналдилар.

Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни 225 миллион дона ёки 18,5 процент, йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришни 16 процент, цемент ишлаб чиқаришни беш процент, шифер ишлаб чиқаришни 34 процент, норуда бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни 20 процент кўпайтириш кўзда тутилади.

Ишлаб чиқариш анча кўпайтирилишига қарамай, 1966 йилда қурилишларни деворбоп ва норуда материаллар билан таъминлашдаги қийинчиликни батамом йўқотиб бўлмайди. Шу сабабли қурилиш ташкилотлари мана шу материалларни қурилишларда тежаб ишлатишга энг кўп эътибор беришдари, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва область ижроия комитетлари эса бундай материалларни ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ учун қўшимча имкониятларни топиб ишга солишлари лозим.

1966 йилда бинокорлик материаллари саноатини ривожлантиришга 30 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Шу маблағларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи деворбоп ва норуда материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналарни қуришга сарфланади. Бу эса 175 миллион дона шартли ғишт, 300 минг куб метр норуда материал ва бошқа кўпгина шу каби материаллар тайёрлаб берадиган янги қувватларни ишга солишга имкон беради.

Сурхондарё областидаги Жарқўрғонда 50 минг куб метр силикальций буюмлар ишлаб чиқарадиган заводни қуриб битказиш ва мавжуд ғишт заводларидан 23 тасини реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

1966 йилда Тўйтепада 50 минг куб метр темир-бетон конструкциялар тайёрлаб берадиган завод (иккинчи навбатини) қуриш, Қўқанғирот шаҳридаги қурилиш индустрияси бирлашган саноат корхоналарининг саноат узелини қуриш мўлжалланади.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил сентябрь Пленуми қарорларига мувофиқ, 1966 йил планида **халқ истеъмоли моллари** ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, шу моллар хилини кенгайтиришга ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Республикада хом ашё, меҳнат ресурслари ва бошқа имкониятлар жуда кўплигини назарда тутиб, 1966 йилда енгил саноатни, пахта тозалаш саноатини ривожлантиришга 46,5 миллион сўм, яъни 1965 йилдагидан 1,4 баравар кўп маблағ ажратилади.

Капитал маблағларнинг бу қадар кўпайтирилиши ҳаммамиздан, биринчи навбатда Енгил саноат ва Пахта тозалаш саноати министрликларидан, Қурилиш министрлигидан ва область ташкилотларидан шу саноат тармоқлари объектларини қуришга бўлган муносабатни ўзгартиришни талаб қилади. Халқ хўжалигининг мана шу жуда муҳим тармоғи орқада қолиб келаётганлигига энди ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Андижондаги трикотаж фабрикаси, Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинати сингари энг муҳим қурилишларга ҳозирдан бошлаб, бутун эътиборни қаратиш керак, чунки шу корхоналарни қуриш қониқарсиз бормоқда.

Мазкур қурилишларнинг муҳимлигини шундан билиш мумкинки, шу корхоналар тўла қувват билан ишга туширишгандан кейин республикада шойи газламалар ишлаб чиқариш 2,5 баравар, ички трикотаж ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди.

Самарқандда йирик ихтисослаштирилган плашч фабрикаси, Комсомолободда пахта заводлари қурила бошлайди, 5 та янги пахта тайёрлаш пункти, 14 та пахта қуритиш-тозалаш цехлари ва бошқа объектлар қурилади.

1966 йилдаёқ ички трикотаж ишлаб чиқариш 50 процентдан знёдроқ, тўқилмаган материаллар ишлаб чиқариш икки баравар, шойи газламалар ишлаб чиқариш 10 процентдан знёдроқ, жут-канап газламалар ишлаб чиқариш қарийб 10 процент кўпайтирилади.

Озиқ-овқат саноати ҳам тез суръатлар билан ўстирилади.

Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти тайёрлаб бериш 11 минг тонна, кондитер моллар ишлаб чиқариш 8,5 минг тонна, консервалар ишлаб чиқариш 30 миллион шартли банкадан знёдроқ, кир ювадиган синтетик воситалар ишлаб чиқариш етти баравар кўпайтирилади ва ҳоказо. Озиқ-овқат ва балиқчилик саноатини ривожлантиришга 12,3 миллион сўм пул ажратиш планда мўлжаллаб қўйилган.

Ўрта овулда гўшт комбинати, Қаршида гўшт комбинати ва Янгийўлда новвойхоналар учун ҳамиртуруш (дрожжи) ишлаб чиқариладиган завод қурила бошлайди. Республикада бундай ҳамиртуруш лар илгари ишлаб чиқарилмас эди ва марказдан келтириларди. Шаҳрисабз консерва заводида мева шарбати тайёрлаб берадиган цех қурила бошлайди; Тошкентдаги мой-жир комбинатида синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқариладиган корпус, Самарқанддаги консерва заводида мева шарбати тайёрлаб берадиган цех ишга туширилади. Денов ва Жиззах ёғ заводларида, Янгийўлдаги консерва заводида, сут заводида ва шу каби корхоналарда катта ишлар олиб борилади.

Маданий-маиший моллар ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Маиший химия моллари ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайтирилади, 1965 йилдагига қараганда 310 минг сўмликдан кўпроқ чинни идишлар ишлаб чиқарилади.

1966 йилда Самарқандда катта чинни заводи қурила бошлайди. Шу завод тўла қувват билан ишга тушганидан кейин йилига 20 миллион дона ёки ҳозир Тошкент заводи бераётганига қараганда қарийб 3 баравар кўп чинни идиш тайёрлаб берадиган бўлади. Мебель, айниқса, болалар ва ошхона мебеллари, заргарлик моллари, ўйинчоқлар, арча безаклари, лампа-шиша, сирланган идишлар ва бошқа кўпгина моллари ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

1966 йилда **транспорт ва алока** воситаларини янада ривожлантириш кўзда тутилади. Халқ хўжалигининг ва аҳолининг эҳтиёжларини яхшироқ таъминлаш мақсадида юк оборотни кўпайтирилади, автомобиль транспортининг ҳамма турларини кўпайтириш учун янги машиналар олинади. 1.123 та автобус, 900 та енгил такси машиналари ва 7.121 та юк машинаси оламиз. 800 километрдан кўпроқ йўл қурилади ва реконструкция қилинади. Алоқанинг ҳамма турлари анча кенгайтирилади.

1966 йилдан бошлаб Москва телевиденнесининг программаларини мунтазам равишда олиб кўрсатиш мўлжалланмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё областлари республика телевидение эшиттиришларини бемалол кўрадиган бўлиб қоладилар.

Фанни янада ривожлантириш, халқ хўжалигида техника тараққиётини амалга ошириш, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини жорий қилиш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, узоққа чидайдиган ва пишиқ қилиш, янги прогрессив машиналар, материаллар ва буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш соҳасида планда кўпгина тадбирлар мўлжаллаб қўйилди.

Республикада мавжуд илмий тадқиқот муассасаларини кенгайтириш ва янги илмий тадқиқот муассасалари очиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Илмий тадқиқотларни планда кўзда тутилганидек ривожлантириш ҳамда **фан ва техника муваффақиятларини жорий қилиш,** республика халқ хўжалигидаги ҳамма тармоқларининг самаралилигини янада оширишга ва меҳнат унумдорлигини ўстиришга ёрдам беради. Меҳнат унумдорлигини саноатда 4,9 процент, қурилишда эса 6,2 процент ошириш белгилаб қўйилди.

1966 йилда ўрта умумий таълим мактабларининг 10 ва 11-синфларида ўқиётганлар ўрта мактабни баб-баравар тамомлаб чиқадилар, шу сабабли ўрта мактабни тамомлаётган ёшлар 1966 йилда 1965 йилдагидан анча кўпроқ бўлади. Планда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ва профессионал-техника билим юртларига қабул қилишни кўпайтириш кўзда тутилади. Шу билан бирга Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Профессионал техника таълими комитети ва область ижроия комитетлари олий ўқув юртларига, техникумларга ва профессионал техника таълими мактабларига қўшимча қабул қилиш имкониятларини кидириб топишлари зарур. Маориф министрлиги ва бошқа министрликлар, идоралар ва область ижроия комитетлари эса ўрта умумий таълим мактабларини тамомлаб чиқаётган йигит ва қизларни ишга жойлаштириб қўйиш тўғрисида олдиндан ғамхўрлик қилишлари зарур.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш 1965 йилда кутилаётган миқдорга нисбатан кўпайиши ва таннархи қўшимча равишда 0,72 процент камайиши натижасида 1966 йил планига кўра, тўпланадиган жамғармалар 524,2 миллион сўмни ташкил қилади. Планда қурилиш-монтаж ишларининг таннархини 7,1 процент камайтириш ва шунинг ҳисобига жамғармаларни 41,3 миллион сўм кўпайтириш кўзда тутилади (1965 йилда жамғармаларни кўпайтириш планининг 31,7 миллион сўм бўлиб бажарилиши кутилмоқда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Колхозлар ва совхозларнинг КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми қарорлари асосида тузиб чиққан планларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилади.

Беш йилликнинг биринчи йили бўлган 1966 йилда 3 миллион 700 минг тонна пахта етиштириш планлаштирилмоқда. Демак, 1965 йил планидагига қараганда юз минг тонна кўп пахта тайёрлаб берилади.

Пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, шолини 19,5 процент, картошкани 14 процент, сабзаботни 16 процент, қовун-тарвузни 10 процент, меваларни 17 процент, узумни 13 процент кўп етиштириб бериш кўзда тутилади.

Суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилашга, янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришга планда катта эътибор берилган. Колхозлардаги ва давлат хўжаликларидаги суғориладиган ерларда экин майдони 58,6 минг гектар кўпайтирилади, бундан ташқари 1966 йилда 8,6 минг гектар ерда янги мевазор боғлар вужудга келтирилади, тўрт минг гектар ерга ток экилади ва 2 минг гектар ер тутзор қилинади. Экин майдонларининг структурасини яхшилаш, бедапояларни кўпайтириш ва пахта алмашлаб экишларини ўзлаштириш чоралари кўзда тутилмоқда.

Бедапояларни 77 минг гектар, сабзавот-қовун-тарвуз ва картошка экилаётган майдонларни 14,7 минг гектар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтириш ҳам кўзда тутилади. Чорвачиликни ривожлантириш ва ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида муҳим чораларни ўтказиш мўлжаллаб қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада механизациялаш ва химиялаштиришга планда катта эътибор берилди. Машиналарда териладиган пахтани 1 миллион 150 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бу эса жамики ҳосилнинг 31 процентини ташкил этади.

Чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришни анча кенгайтирмоқчимиз. Бу ишда янгилик шундан иборат бўладики, қўл меҳнати сарфлашни энг кўп миқдорда қисқартиришга ва чорва моллар маҳсулдорлигини оширишга имкон берадиган комплект ускуналар билан чорвачилик фермалари таъминланади.

1966 йилда республика колхоз ва совхозларига 14 минг 919 та трактор, 2.400 та юк автомобили, 782 та экскаватор, 1.000 та скрепер, 886 та бульдозер, 3.477 та чигит сеялкаси, 5.636 та пахта териш машинаси, 12.700 та трактор прицепи ҳамда бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик техникаси ва материаллар етказиб берилади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларининг ҳосилдорлигини оширмоқ учун 2,5 миллион тоннадан знёдроқ, яъни 1965 йилдагига қараганда 144 минг тонна кўп минерал ўғит етказиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самаралилигини ошириш мақсадида КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларига мувофиқ, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари ҳамда область ижроия комитетлари колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш, меҳнат ресурсларидан, техника ва минерал ўғитлардан тағин ҳам рационал фойдаланиш соҳасида катта ишларни амалга оширишлари зарур.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига мувофиқ, 1965 йилдан бошлаб биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини беш йилга мўлжалланган қатъий планлар асосида харид қилишга киришдик. Бу қатъий планларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни жадаллаштириш учун катта аҳамияти бор.

1966 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турлари давлат томонидан қуйидаги миқдорда харид қилинадиган бўлди: дон — 286 минг тонна, жумладан шоли—80 минг тонна, сабзавот ва қовун-тарвуз — 525 минг тонна, мева ва узум — 183,5 минг тонна, чорва ва парранда (тирик вазнда) 180 минг тонна, сут—310 минг тонна, тухум — 160 миллион дона, пилла — 16.700 тонна.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш—техника базасини янада мустаҳкамлаш учун 356 миллион сўм, яъни 1965 йилдагидан 11 процент кўп капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилади, шу жумладан 200,5 миллион сўми қурилиш-монтаж ишларига сарфланади. Шу маблағдан 191,2 миллион сўми эса сув хўжалиги қурилишига сарфланади, 55 минг гектар янги ерларни суғориш, 40 минг гектар ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, 600 минг гектар янги яйловларни сув билан таъминлаш кўзда тутилади.

Тошкент областида Тошкент каналини реконструкция қилиш ишлари давом эттирилади, 2 минг гектар янги ер суғорилади ва Чорвоқ сув омборини қуриш жадаллаштирилади.

Сирдарё областида, Мирзачўлда қилинаётган ишлар давом эттириб, 25 минг гектар янги ерларни суғориш мўлжалланади. Мелиорация ишларининг янги прогрессив методи — тик зовурлар қуриш ишлари 10 минг гектардан кўпроқ майдонда амалга оширилади.

Фарғона областида Марказий Фарғона ерларини суғориш ишларини давом эттириш ва Каркидон сув омборини қуриб битказиш кўзда тутилади. Каркидон сув омборини қуриб битказиш областдаги суғориладиган ерларнинг катта-катта майдонларини сув билан таъминлашни яхшилашга имкон беради.

Андижон областида Андижон сув омбори қурилишини тезлаштириш кўзда тутилади. Бу қурилишга бериладиган капитал маблағ ҳажми 2,5 баравар кўпайтирилади, шунингдек Косонсой сув омборини кенгайтириш ишлари охирига етказилади.

Зарафшон водийсида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек Каттақўрғон сув омборини кенгайтириш соҳасида катта ишлар қилиш мўлжаллаб қўйилди.

Қашқадарё областида катта Пачкамар сув омборини қуриш давом эттирилади. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда «Ўзглавводстрой» 1967 йилда экинларнинг ўсиш даври бошлангунча мана шу сув омборида экинларни суғориш учун керакли дастлабки бир неча миллион куб метр сув тўплаш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги суғориладиган ерларнинг техникавий ҳолатини яхшилаш учун зарур маблағларни лимитсиз қурилиш планида кўзда тутиши ва областда сув ресурслари жуда кам бўлганлиги сабабли каналларда сувнинг исроф бўлишини йўқотиш чораларини кўриши лозим.

Сурхондарё областида Занг каналидан сув ичадиган янги ерларда 4 минг гектар майдонга сув чиқариш ишларини давом эттириш кўзда тутилади.

Шеробод массивида ерларни ўзлаштиришни кенгайтириш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатлари йўқлиги сабабли йўл қўйиб бўлмайдиган даражада орқага сурилмоқда. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва «Средазгипроводхлопок» институти бу ишларни 1967 йилда авж олдириб юбориш учун лойиҳа топшириғини тезроқ битказишлари зарур.

Хоразм областида республикаларо коллекторлар қуриш соҳасида катта ишлар қилиш мўлжаллаб қўйилди. Туя-мўйин каналини қуришга ажратиладиган маблағ уч баравардан знёдроқ кўпайтирилади. Бундан олдинги йилларда бўлгани каби лимитдан ташқари бериладиган капитал маблағлар ҳисобидан коллекторлар ва сув чиқариб юборадиган ариқлар қуриш ишлари кенг ҳажмда олиб борилади. Дайгишга қарши кураш ишларига 3 миллион сўм бериш кўзда тутилади.

Қорақалпоғистон АССРда бутун сув хўжалик қурилиши, асосан, Амударё этакларида катта шолиқорлик райони вужудга келтиришга бўйсундирилади. 4,4 минг гектар ерни шоли экиш учун тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Тахиатош гидроузелини қуриш, насос станцияларини қуриш ишлари авж олдирилади. Амударёнинг ер ости сувларини Орол денгизига оқизиб юборадиган бир неча юз километр катта коллекторлар қурилади. «Узбекгидроэнергострой» трести Тахиатош гидроузелини қуриш ишларининг суръатини кескин равишда кучайтириши лозим. Бу қурилишга бериладиган капитал маблағнинг миқдори икки баравардан знёдроқ кўпайтирилади.

КАПИТАЛ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИ

Депутат С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВ докладининг охири

(Боши иккинчи бетда).

Капитал маблағларнинг берадиган самарасини ошириш мақсадида планда қувватларни ва асосий фондларни тезроқ ишга туширишни, капитал маблағлар ва моддий ресурсларни ишга туширишдан иншоотлар ва энг муҳим қурилишларга тўплаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Капитал қурилишнинг белгиланган ҳажмини муваффақиятли бажармоқ учун Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиш министрлиги, «Ўзглавводстрой» ва область ижроия комитетлари қурилиш ташкилотларининг ишини анча яхшилашлари, индустриалаштириш ва механизациялаш даражасини оширишлари, механизмлардан фойдаланишни яхшилашлари, қурилишларни ишчи кучи билан таъминлашлари ва моддий техника ресурсларидан тежамли фойдаланишлари керак.

ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ КЎТАРИШ

Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини кўтариш соҳасидаги тадбирлар 1966 йил плани лойиҳасида марказий ўринни эгаллайди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ва халқ турмуш даражасининг умумлаштирилган кўрсаткичи бўлган реал даромадларни 7 процент кўпайтириш мўлжалланади. Ижтимоий истеъмол фондлари анча ўсади. Ишчи ва хизматчилар сони тахминан 170 минг киши ортади ва қарийб 2 миллион 406 минг кишини ташкил этади.

Харид фондларига мувофиқ, чакана товар оборoти ҳажми 3 миллиард 490 миллион сўм миқдорида планлаштирилади ва 1965 йилдагига нисбатан 10 процент ўсади. Умумий овқатланиш корхоналарининг оборoти 7,3 процент кўпаяди. Қишлоқ жойларда товар оборотини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари даромадларининг кўпайиши муносабати билан кооператив савдосида товар оборoти давлат савдосидагига нисбатан кўпроқ ўсади.

1966 йилда мотоцикл ва мотороллер, холодильник, чинни идишлар, енгил автомобиллар, хилмахил газламалар, пойафзал, сут маҳсулотлари, қанд-шакар, ун, балиқ, ўсимлик мойи каби товар фондлари анча кўпайтирилади. Республика иттифоқ фондидан 48 минг тонна гўшт, 255 минг тонна сут маҳсулотлари, 21 миллион дона тухум ва бу йилги 75 минг тонна ўрнига 100 минг тонна картошка олади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва давлатнинг ёрдами туфайли аҳоли жон бошига гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни истеъмол қилиш анча ортади.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш кейинги қолаётганлигини эътиборга олиб, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишнинг асосий турларини илдам ўстириш лойиҳалаштирилади. Маиший хизмат кўрсатувчи янги объектлар барча турларининг қарийб ярми қишлоқ жойларда қурилади. Маиший хизмат бошқармаси ва область ижроия комитетлари аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун зарур чораларни кўришлари лозим.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўзбекистонда уй-жой қурилишига жуда кўп маблағ ажратмоқдалар. Шу мақсад учун давлат томонидан ажратиладиган капитал маблағлар 140,4 миллион сўмни ташкил этади. Бу — 1965 йилдагига нисбатан 23,2 процент ортиқдир. Бундан ташқари, Навоий шаҳрида уй-жой қуриш учун 4 миллион сўм ажратилди. 1 миллион 64 минг квадрат метр, бошқа манбалар ҳисобига ҳаммаси бўлиб 1 миллион 700 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жой фойдаланиш учун топширилади. Шундай қилиб, фойдаланиш учун топириладиган уй-жойлар майдони 1965 йилдагига нисбатан қарийб 300 минг квадрат метр ортади. Республикада уй-жой қурилиши илгари ҳеч қачон шундай катта ҳажмда олиб борилмаган эди.

Ажратиладиган маблағларнинг катта қисми йирик корхоналар, янги қурилишлар ва совхозлардаги ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар учун уй-жой қурилишига сарф қилинади.

КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қарорларини бажариш юзасидан қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини анча кўпайтириш кўзда тутилди. Шу мақсадда 46,6 миллион сўм ажратилади, 1965 йилдаги 288,7 минг квадрат метр ўрнига 343,4 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жойни фойдаланиш учун топшириш кўзда тутилади.

Область ташкилотлари уй-жой қурилишини қаттиқ контроль остига олишлари керак. Уй-жой қурилиши планларининг бажарилмай қолишига йўл қўйиш мумкин эмас.

1966 йилда кооператив уй-жой қурилиши маблағлари ҳисобига 1965 йилдаги 61 минг квадрат метр ўрнига 100 минг квадрат метрли уй-жой қуриш ва якка тартибда 550 минг квадрат метрли уй-жой қуриш кўзда тутилади.

Шуни айтиш керакки, бизнинг республикамизда кооператив уй-жой қурилиши суст ривожланган. Область ташкилотлари қурилишнинг ана шу турларини кенгайтириш соҳасида тушунтириш ишларини кучайтиришлари, саноат корхоналарининг меҳнаткашларини уй-жой қурилиш кооперативларига жалб этишлари, уй-жой қурилиши учун техника ҳужжатлари ва участкаларнинг ўз вақтида тахт қилиб қўйилишини таъминлашлари керак.

Коммунал қурилиш анча кенгайтирилади. Шу мақсадда 34,5 миллион сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилади. Бу — ўтган йилдагига нисбатан қарийб 14 процент ортиқдир.

Ана шу маблағлар ҳисобига Андижон, Қўқон, Қувасой, Когон, Олмалиқда ва баъзи район марказларида янги водопроводлар қурила бошлайди. Район марказларида ва ишчи посёлкаларида водопровод қуриш учун аввалги йилдагига нисбатан қарийб 2,5 баравар кўп маблағ сарфланади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Нукус, Наманган, Марғилон, Янгийўл, Қўқон, Когон, Денов, Шаҳрисабз, Хивада ва бошқа шаҳарларда водопровод қурилиши соҳасидаги ишлар давом эттирилади.

18 шаҳарда канализация қурилади.

Республикадаги шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларни газ билан таъминлаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Қишлоқ жойларда газ билан таъминлаш соҳасидаги ишлар айниқса кенгайтирилади. 317 километр узунликда қурилаётган газ шохобчаларининг 107 километри қишлоқларнинг ҳиссасига тўғри келади. 94 минг квартирани, шу жумладан қишлоқларда 46 мингдан кўп квартирани газлаштириш мўлжалланган.

1966 йилда Олмалиқда троллейбус қатнай бошлайди. Тошкент ва Самарқандда троллейбус линиялари кенгайтирилади.

Тошкент, Чирчиқ, Қаршида ва бошқа шаҳарларда меҳмонхоналар қурилишини тугаллаш мўлжалланади.

Маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш ишларини янада ривожлантириш кўзда тутилади. 1966 йил план лойиҳасининг маориф ишлари соҳасидаги ҳусусияти шундан иборатки, ўрта умумий таълим мактаблари 11 йилликдан 10 йиллик таълим мактабларига айлантирилади.

Ўқиш ёшидаги болаларнинг ҳаммасини мактабларга тўла жалб этиш ва шу муносабат билан умумий таълим мактаблари шохобчаларини янада кенгайтириш кўзда тутилади.

Давлат капитал маблағлари, марказлаштирилмаган тартибда пул ажратиш манбалари ва колхоз маблағлари ҳисобига 83,2 минг ўринли мактаб бинолари қуриш планлаштирилди.

1966 йилнинг 1 сентябрига бориб, умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар сони 2411,8 минг кишига етказилади. Бу эса 1965 йилнинг 1 сентябридагига нисбатан 93 минг киши ортиқдир.

Тарбия ишларини яхшилаш, ўқувчиларнинг мактабдан кетиб қолишларига ва бир синфда икки йил ўқишларига йўл қўймаслик мақсадида мактабларни ва куни узайтирилган группаларни янада кўпайтириш мўлжалланади. Катта ёшдагиларни ўқитиш кўзда тутилади.

Мактабгача болалар муассасаларини янада ривожлантириш кўзда тутилади. Республика Давлат бюджети ҳисобида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони 32,6 минг кўпайтирилади.

Маориф ва маданият объектлари қурилишига 1965 йилда ўзлаштирилганидан кўра 21 процент кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари мактаб бинолари ва болалар тарбияланадиган бошқа муассасалар қурилишига маҳаллий бюджетдан пул ажратиш тадбирларини кўришлари ва қўшимча равишда очиладиган мактабларни ўқув йили бошланишига қадар фойдаланиш учун топширишни таъминлашлари зарур.

Мутахассислар тайёрлашни янада кўпайтириш ва кенгайтириш кўзда тутилади: олий ўқув юртларига 29,5 минг киши, ўрта ўқув юртларига 36,8 минг киши қабул қилинади.

Олий ўқув юртларида 15,52 минг кишини, ўрта ўқув юртларида эса 17,8 минг кишини тайёрлаб чиқариш кўзда тутилади.

Олий ва ўрта ўқув юртларини тамомлаб чиқувчиларнинг сони ортишига қарамай, халқ хўжалигидаги айрим тармоқларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари тўла равишда қондирилмаётир.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари шохобчалари кўпайтирилади. Бухоро педагогика институти қурилиши давом эттирилади, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институти кенгайтирилади, беш техникум: Бекободда Индустриал техникум, Наманганда Енгил саноат техникуми, Марғилонда План-экономика техникуми, Қўқонда Автомобиль техникуми ва Тошкентда Маданий-оқартув техникуми биносини қуришга киришилади. Тошкентдаги Ленин номли Давлат университети бинолари комплексини ва Тошкент политехника институтининг инженер-физика корпуси қурилишини давом эттириш кўзда тутилади.

Маданиятни ривожлантириш соҳасида катта тадбирлар мўлжалланади. 1966 йилда «Ватан» кинотеатри реконструкция қилиниб, Ҳамза номли Ўзбек драма театрини кўчириш ҳисобига мослаштирилади; Тошкентда 3 минг ўринли цирк биноси қурилиши давом эттирилади ва республиканинг областларида 48 кинотеатр қурилади. Республикада асосан қишлоқ жойларда қўшимча равишда жами 400 кинотеатр ва доимий киноустановкалар очилади.

436 та, шу жумладан колхозларда 175 та янги оммавий кутубхоналар очилади. 251 та клуб, шу жумладан қишлоқларда 179 клуб ташкил этилади. Китоб, газета, журналлар, илмий асарлар ва ҳоказоларни нашр этиш кўпайтирилади. Республика районларида янгидан 21 газета чиқарила бошлайди.

Соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш юзасидан катта тадбирлар белгиланади. Шу мақсадда сарфланадиган капитал маблағлар миқдори 57,8 процент ортади. Касалхоналардаги ўринлар сони 100 минг, шу жумладан қишлоқ жойларда қарийб 40,7 минг ортади, санаторийлар, дам олиш уйларида, инвалидлар ва кексалар учун интернат-уйларда ўринлар сони анча кўпайтирилади.

Ихтисослаштирилган медицина ёрдамини янада ривожлантириш ва қишлоқлардаги касалхоналарни мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

1966 йилда Тошкентда кўп профилли касалхонанинг 313 ўринли янги корпусини, Тошкент ва Гулистонда туғруқхоналарни, Нукусда онкологик диспансерни, Урганчда болалар касалхонасини, Сурхондарё областидаги 2- ва 4- совхозларда касалхоналарни, Сирдарё областидаги «Махтали» совхозидаги, Андижондаги сув омбори ёнидаги касалхоналарни фойдаланиш учун топшириш мўлжалланди.

Бухоро ва Жиззахда, Денов районида шаҳар касалхоналари, Тошкент, Фарғона, Урганч, Каттақўрғонда туғруқхоналари, Янгийўлда инфекцион касалхона биносини қуришга киришилади. Даволаш-профилактика муассасаларини ва физкультура ҳамда спорт объектларини қуриш учун бюджетдан 13 миллион сўм, яъни бу йилдагига нисбатан бир ярим баравар ортиқ маблағ ажратилади. 1966 йилда Тошкентда 5 минг кишилик спорт манежи қуриб битказилади. Бу ерда спортнинг 20 тури бўйича бутуниттифоқ ва халқаро мусобақалар ўтказилади. Тошкентда 500 ўринли спорт пансионати, республика, район ва шаҳарларда эса жумладан Ленин, Москва, Чуст, Вобкент, Ғиждувон, Сариосиё, Янгиқўрғон, Қарши, Хива, Хазорасп, Шовот район марказларида ва бошқа жойларда 40 та стадион қурилади.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областидаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш зарурлигини эътиборга олиб, планда ана шу муассасалар қурилишига кўп миқдорда капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда 5,7 баравар, Хоразм областида 2,9 баравар кўпроқ капитал маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Ўзбекистон ССР даги маҳаллий Советларнинг, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва қишлоқ қурилиши министрликлари ҳамда область ижроия комитетларининг вазифаси — ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ тўла фойдаланишни таъминлашдан ва планда кўрсатилган барча объектларни ўз вақтида ишга туширишдан иборат.

Депутат ўртоқлар! Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган беш йиллик биринчи йили — 1966 йил плани лойиҳаси республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ғоят тез суръатлар билан ривожлантиришни ва аҳолининг турмуш даражасини янада кўтаришни кўзда тутади.

Ишонч билдириб айтаманки, Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида планни муваффақиятли бажариш ва мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига қўшадиган ҳиссаларини янада кўпайтириш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1966 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. М. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини қуриш программасини муваффақиятли суратда амалга оширмоқда.

1965 йилда халқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. 1965 йилда етти йиллик план тўла-тўкис бажарилади. Етти йиллик мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш кўп даража ортди, совет фани ютуқларини жорий қилиш асосида ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ўсди, миллий даромад анча кўпайди.

Мамлакатимиз миқёсида ва халқаро майдонда жуда катта аҳамиятга эга бўлган КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди, совет кишиларининг коммунистик жамият қуриш учун зўр ғайрат билан олиб бораётган ижодий курашида уларни меҳнат зафарларига янада кўпроқ илҳомлантирди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги Давлат планини ва Давлат бюджетини маъқуллади ва СССР Олий Совети ана шу план ва бюджетни тасдиқлади. 1966 йилги Давлат плани ва Давлат бюджетида социалистик экономикани янада кучли суратда ривожлантириш, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Бутун совет халқи билан биргаликда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунизм қуришдан иборат умумий ишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республикада саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган давлат планлари анча ошириб бажарилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда анча катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўзбекистон пахтакорлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини бажара бориб, партиямизнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, бу йил давлатга 3 миллион 900 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етиштириб сотдилар. Пландан ташқари, 300 минг тоннадан эзиё пахта топширилди, социалистик мажбуриятлар ошириб бажарилди.

1965 йилда қурилиш, савдо-сотиқ, фан, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш ишлари янада ривожланди, халқнинг моддий фаровонлиги ўсди.

Республика етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажармоқда.

Буларнинг ҳаммаси Давлат бюджетини бажариш учун иқтисодий асос яратди. Етти йиллик мобайнида бюджетдан жуда кўп маблағ — 9 миллиард 449 миллион сўм ажратилди. Бу маблағ халқ хўжалигини ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга сарф қилинди.

Ўзбекистон ССРнинг 1965 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 100,8 процент бажарилади. Пландан ташқари бюджетга 16019 минг сўм тушди. Барча областлар, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри бюджетларининг даромад қисмини бажармоқда. Бу эса халқ хўжалиги планида кўзда тутилган барча тадбирларни, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорларида белгиланган қўшимча тадбирларни узлуксиз пул билан таъминлаб туриш имконини берди.

1965 йил плани даромад манбаларининг кўпчилиги бўйича тўла ва ошириб бажарилмоқда. Шу билан бирга, фойдалардан маблағ ажратиш планини бажариш таъмин этилмаётир.

Пахта тозалаш ва луб саноати Ўзбекистон ССР экономикани ривожлантиришда катта ўрин тутади. Бу тармоқлар хўжаликларнинг ички жамғармаларини вужудга келтиришда асосий ўринларнинг биринчи эгаллайди. Улар етти йиллик мобайнида 363 миллион сўм фойда олдилар. Пахта тозалаш ва луб саноати корхоналари бюджетга энг кўп миқдорда маблағ топширомқдалар. Аммо улар бу йил бюджет юзасидан олган мажбуриятларини бажармай келмоқдалар.

Жамғариш планларининг бажарилмай қолаётганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Пахта тозалаш ва луб саноатининг кўп корхоналарида иқтисодий тежаш ва давлат маблағларини сарфлашдаги исрофгарчиликларни йўқотиш учун лозим даражада кураш олиб борилмаётир. 1965 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнидагина 3 миллион 231 минг сўмлик ўринсиз харажатлар ва планда кўзда тутилмаган вобудгарчиликларга йўл қўйилган.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми ҳар бир совхоз ва колхозда ишлаб чиқаришни юксалтиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш системасини тартибга солишга, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган жуда катта иқтисодий ва ташкилий тадбирларни ишлаб чиқди. Пленум қарорлари қишлоқларда сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини юксак даражага кўтарди ва муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда.

Пленум қарорларини амалга ошириш натижасида республика қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси анча мустаҳкамланди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кўпайди, колхоз ва совхозларнинг даромадлари ошди. Пахта етиштириш планининг ошириб бажарилиши ва пахта сифатининг яхшиланиши натижасидагина колхоз ва совхозларнинг даромадлари бу йил, дастлабки маълумотларга кўра, планда белгиланганига нисбатан тахминан 180 миллион сўм кўпаяди.

Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ хўжалигида совхозларнинг роли тўхтовсиз ўсмоқда. Республикадаги совхозлар 1965 йилда ўз ишларининг баъзи кўрсаткичларини яхшиладилар. Улар пахта етиштириш ва давлатга пахта сотиш планини муваффақиятли бажардилар. Сут, тухум етиштириш ўтган йилдагига нисбатан ортди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг ўртача миқдори кўпайди.

Аммо, бу хўжаликлар мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланганларида анча яхши ишлашлари мумкин эди. Масол учун Қишлоқ хўжалик министрлигининг совхозларини олиб кўрайлиқ. Баъзи совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг қимматлашиб кетишига, ҳар қандай нобудгарчиликларга йўл қўймоқдалар, жамғариш планларини бажармаётирлар ва хусусан чорвачилик соҳасида зарар кўрмоқдалар.

Республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги бу йил юк оборoти ва пассажирлар ташишни 1964 йилдагига нисбатан анча кўпайтирди, 1965 йилда юк ташиш планининг бажарилишини таъминлади. Аммо бу министрлик ўз ихтиёридаги барча корхоналар ҳамда автомобиль хўжаликларининг ишини юксак даражага кўтариш учун зарур чораларни кўрмади.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги автобусларда пассажирлар ташиш планини бажармаётир, автомобиль паркидан ҳали ҳам етарли даражада фойдаланмаётир, жамғариш планини ва бюджет юзасидан олган мажбуриятларини бажармаётир. Бу министрлик системасида автомашиналар кўп вақт бекор туради. Ишлатишга яроқли бўлган автомобиллардан 2250 таси ҳар куни бекор турибди. Шунинг учун ҳам январь-сентябрь ойлари мобайнида 2 миллион сўм фойда олинмай қолди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми пул маблағларини, материал ва меҳнат ресурсларини аввалгидек сақлаш ҳамда тежаш учун қатъий курашни уюштириш, бу ишни ҳақиқатан ҳам умумхалқ ишига айлантириш зарур эканлигини кўрсатди. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида Ўзбекистон ССР давлат саноатида товар маҳсулотининг таннархини камайтириш йўли билан планда кўрсатилганидан ортиқ миқдорда маблағ тежалди. Лекин шу билан бирга, баъзи тармоқларда қарийб 12 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланди.

Саноат маҳсулотининг таннархида моддий харажатлар бутун харажатларнинг 75 процентидан кўпроғини ташкил этади. Бу соҳада ҳам тежаш учун катта имкониятлар бор. Республикадаги кўп корхоналарда хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергияси тежабтергаб сарф қилинмоқда. Аммо, бу жиҳатдан ҳамма жойда ҳам давлат тартиби жорий қилинган деб бўлмайди. Моддий сарфларни, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини камайтиришгина эмас, балки жонли меҳнатдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳам иқтисодий тежаш учун имкониятлар яратиб беради. Ваҳолонки, республикадаги бир қанча корхоналарда иш вақтининг талайгина қисми ўринсиз сарфланмоқда, ишга кечикиб келиш ва бекор туришлар орқасида, шу жумладан сменалар ичида бекор туришлар орқасида иш вақтининг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Бу ҳол асосан инструмент, материалларни ўз вақтида етказиб бермаслик, машина-ускуналарни тез-тез ремонт қилиб туриш оқибатида рўй беряпти.

Республикадаги корхоналар ва қурилишларда, шунингдек савдосотиқ ташкилотларида нормативда кўрсатилганидан ортиқ хом ашё, машина-ускуналар, тайёр маҳсулот ва товар запаслари шаклида тўпланиб қолган моддий бойликларни хўжалик оборотига тортиш муҳим давлат аҳамиятига эгадир.

Республика ташкилотларига бўйсунган саноат корхоналарида 1965 йил 1 октябргача нормативдан ортиқ бўлган 65 миллион сўмлик товар-моддий бойлик қолдиқлари, давлат ва кооператив чакана савдосида нормативдан ортиқ бўлган 185 миллион сўмлик товар запаслари бор эди, қурилишларда 60 миллион сўмлик машина-ускуналар ўрнатилмаган эди. Машина-ускуна, материал, хом ашё, тайёр маҳсулотнинг ортиқча запаслари халқ хўжалигини ривожлантиришга халақит беради, корхона ва ташкилотларда молиявий қийинчиликларни вужудга келтиради, кўп нобудгарчиликларга сабаб бўлади.

Вазифа — нормативдан ортиқ бўлган ана шу товар-моддий бойликларни ишлаб чиқаришга, қурилишга ва товар оборотига энг кўп даражада жалб этишдан иборат. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ, ишлаб чиқариш фондларни учун ҳақ тўлаш принципининг жорий қилинаётганлиги саноатда нормативдагидан ортиқ запасларни қисқартиришга ёрдам беради.

Республика Молия министрлиги ва маҳаллий молия органлари 1965 йилда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо-сотиқ, автотранспорт, уй-жой коммунал корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларда, шунингдек бюджет муассасаларида молиявий-хўжалик фаолиятининг турли масалалари юзасидан кўп текшириш ўтказдилар. Катта аналитик иш бажардилар. Ана шу текширишлар ва балансларни ҳамда ҳисоботларни таҳлил этиш натижасида бюджет даромадларини кўпайтириш ва харажатларни камайтиришнинг 7,4 миллион сўмлик резерви, шунингдек хўжалик органларининг ўз оборот маблағларининг етишмай қолган қисмини коплашга мўлжалланган 19,8 миллион сўмлик ички ресурслари борлиги аниқланди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларида молия системаси олдига қўйилган вазифалар муносабати билан ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, саноатнинг ички резервларини сафарбар қилиш ва улардан энг рационал фойдаланишда молия органларининг роли кўп даража ўсади. Пленум қарорлари корхоналарнинг бюджет билан ўзаро муносабатларига ўзгартишлар киритишни, корхоналарга пул бериш, кредит бериш ва тўловларни ундириб олиш тартибини қайтадан кўриб, чиқишни, тўла хўжалик ҳисобига ўтишда уларга ёрдам кўрсатишни талаб қилади. Корхоналар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан молия органларининг контроли ҳам янгича ташкил этилиши керак.

Ўзбекистон ССРнинг 1965 йилги Давлат бюджети аниқланган планга нисбатан харажатлар бўйича 99,6 процент бажарилади. Халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларга 1868896 минг сўм ёки бюджетдаги харажатлар умумий суммасининг 92,1 проценти миқдорида маблағ сарфланади. Шу билан бирга, бу йил болалар боғчалари, мактаб-интернатлар, қишлоқ ёшлари мактаблари, болалар уйларни ва бошқа баъзи муассасаларни таъминлаш учун ажратилган маблағлардан етарли даражада фойдаланилмаётир. Ана шу мақсадга ажратилган маблағларнинг 3 миллион сўмдан кўпроғи ўзлаштирилмай қолмоқда.

Министрликлар ва хусусан Маориф министрлиги, меҳнаткашлар депутатлари Советлари ижроия комитетлари бу камчиликларга барҳам беришлари, социал-маданий муассасаларга раҳбарлик қилишни ва амалий ёрдамни кучайтиришлари, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1966 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг янги беш йиллик планининг биринчи йили — 1966 йилги Давлат бюджетини Олий Советнинг ҳозирги сессияси муҳокамаси ва тасдиқига тақдим этади. Бу бюджетнинг даромадлари 2 миллиард 2 миллион 360 минг сўмни ва харажатлари 2 миллиард 2 миллион 210 минг сўмни ташкил этади, даромадлар харажатлардан 150 минг сўм ортиқ бўлади.

1966 йилги Давлат бюджети КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII ва XVIII пленумлари томонидан қўйилган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилди. Бюджетнинг даромадлари ва харажатлари Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, республика министрликлари ва идораларининг иштироки билан келгуси йилда халқ хўжалигини ривожлантириш плани кўрсаткичлари асосида белгиланди.

1966 йил бюджети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланган 1965 йил планига нисбатан 8,8 процент ортади. Бу эса Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ишлаб чиқарувчи кучларни, фан ва маданиятни янада ривожлантириш, Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигини ёрқин акс эттиради.

БЮДЖЕТНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

1966 йилги Давлат бюджетининг даромадлари асосий турлар бўйича қуйидаги миқдорларда белгиланди: социалистик хўжаликдан тушумлар 1.721.673 минг сўм, шу жумладан оборот солиғи 1.031.975 минг сўм, фойдадан ажратмалар 490.259 минг сўм.

1966 йилда давлат ва кооператив корхоналаридан ҳамда ташкилотлардан тушумлар бюджет даромадлари умумий суммасининг 86 процентини ташкил этади. Бинобарин, хўжалик ва маданий қурилишни пул билан узлуксиз таъминлаб туриш учун ҳар бир корхона ва ташкилот, халқ хўжалигининг барча тармоқлари жамғариш ва бюджетга тўлов планларини бажаришлари зарур.

Планлаштириш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг янги шароитларида фойда корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири, моддий рағбатлантириш, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилишини кучайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларини вужудга келтириш манбаи бўлиб қолади. Давлатнинг марказлаштирилган ва халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун фойдаланиладиган молиявий ресурсларини вужудга келтиришда фойданинг роли ўса боради.

Асосий ва оборот ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарасини ошириш — келгуси йилда саноатнинг ишига тааллуқли туб масалаларнинг бири бўлади. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда халқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондларидан етарли даражада фойдаланилмаётир. Ишлаб чиқариш фондларига қўйилган ҳар бир сўмдан олинадиган даромад ҳамиша ортиб боришига эришмоқ зарур. Корхоналар бу ҳақни бюджетга олинган фойдадан тўлайдилар. Узининг ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланаётган корхоналар ихтиёрида рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш учун фойданинг талайгина қисми колади. Бу эса корхоналарга ажратиб берилган халқ маблағларидан фойдаланишни яхшилашда зарур моддий манфаатдорликни вужудга келтиради. Ана шу янги иқтисодий воситадан фойдалана билиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарасини анча оширишга эришиш лозим.

КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг қарорларига мувофиқ, даромад солиғи солишнинг янги тартиби белгиланди. Бу тартибга биноан, 1966 йилда колхозлардан олинадиган даромад солиғи 2P миллион сўм қилиб белгиланди, ёқи солиқ солишда амалда бўлган тартибга мувофиқ олинган солиқ миқдорига нисбатан уч баравардан эзиё қамайтирилди. Колхозлар даромад солиғининг камайтирилиши орқасида 75 миллион сўм наф кўрадилар.

Аҳолидан 1966 йилда олинадиган солиқлар ишчи ва хизматчиларнинг белгиланган миқдорига, иш ҳақи фондига ва солиқларнинг амалдаги ставкаларига қараб планлаштирилди.

БЮДЖЕТНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

1966 йилда халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлаш учун давлат бюджетидаги умумий маблағлардан 1 миллиард 910 миллион 107 минг сўм ёки 95,4 процент миқдорида пул ажратилади.

Бюджет маблағларининг йўналиши 1966 йилда қишлоқ хўжалигини юксалтириш, техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайдиган саноат тармоқларини устун равишда ривожлантириш, фан ва техника ютуқларини тез жорий қилиш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш юзасидан республика олдига қўйилган вазифаларга асосланиб белгиланди.

1966 йилда бюджетдан халқ хўжалигига 879.208 минг сўм (бу — 1965 йилдагига нисбатан 107,5 процентни ташкил этади), шу жумладан, саноат ва қурилишга 250.630 минг сўм, қишлоқ хўжалигига 346.386 минг сўм, автотранспорт ва алоқа ишларига 29.164 минг сўм, уй-жой-коммунал хўжалигига 120.031 минг сўм сарфлаш планлаштирилди. Бу маблағлар халқ хўжалик планида кўрсатилган тадбирларни бажаришни — хўжаликда ишлаб чиқариш фондларини кўпайтиришни, корхоналарни илғор техника билан таъминлашни, хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулот запасларини зарур даражада кўпайтиришни, шунингдек ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бошқа харажатларни кўпайтиришни таъминлайди.

Қишлоқ жойларда аҳолига сотиладиган товарларнинг баҳосига қўшилган устамаларни 1966 йилда бекор қилиш учун ажратилган маблағлар бюджетда планлаштирилди. Эндиликда шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ҳамма товарлар бир хил чакана нархлар билан сотилади.

(Охири тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИ

Депутат В. М. МУРОДХЎЖАЕВ докладининг охири

(Боши учинчи бетда)

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

1966 йилги Давлат бюджетида капитал қурилишнинг катта программасини бажариш учун 611 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Бу эса асосий фондларни социалистик негизда такрор ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни таъминлайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар капитал қурилишни тубдан яхшилаш учун шарт-шароитни вужудга келтиради. Капитал қурилиш — коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишнинг асосий масалаларидан биридир.

1966 йилда бюджет маблағларидан ташқари давлат корхоналари ва ташкилотларининг фойдаларидан амортизацияга ажратмалари ва бошқа маблағларидан ҳамда банк кредитларидан 423 миллион сўм капитал қурилишга ажратиб берилади. 1966 йил бюджетида қурилишда асосан ўрнатилмаган машина-ускуналар запасларини қисқартириш ҳисобига 23 миллион сўмлик ички ресурсларни сафарбар қилиш кўзда тутилади.

Кейинги йилларда республикада капитал қурилишларга ажратилган маблағларнинг берадиган самарасини ошириш учун кўп иш қилинди. Шу билан бирга, бу ишда ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Асосий фондларни ишга тушириш плани ва капитал маблағлар плани бажарилмаётир, битказилмай қолган иншоотлар ҳажми ортиб бормоқда, республикадаги хўжалик органлари капитал қурилишларни пул билан таъминлаш учун мўлжалланган ўз маблағларидан взнослар планларининг бажарилишини таъминламаётирлар. 1965 йилнинг 11 ойи мобайнида шундай маблағлардан 22,8 миллион сўм топширилмай қолди. Қурилишларда ички ресурсларни сафарбар қилиш плани айниқса қониқарсиз бажарилмоқда. 1965 йил планида ўрнатилмаган ускуналар, материаллар ва дебиторлик қарзлари қолдиқларини 15 миллион сўм камайтириш кўзда тутилган эди, амалда эса январь-сентябрь ойларида ана шу қолдиқлар 17 миллион сўмга етди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми белгилаган тадбирлар системасида капитал қурилишга кредитни жорий қилиш муҳим ўрин олади. Бу эса корхоналар ва қурилишларнинг капитал маблағлардан олинадиган самарани ошириш, машина-ускуналарни ўз вақтида ўрнатиш ва ишга туширишдан манфаатдорлигини оширади.

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРГА МАБЛАҒ АЖРАТИШ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кейинги йилларда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган катта тадбирларни амалга оширдилар. Бюджетдан маориф, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ишларига ажратилаётган маблағларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги Совет Иттифоқи халқларининг моддий фаровонлигини оширишда катта ўрин тутади.

Республиканинг 1966 йилги бюджетида социал-маданий тадбирлар учун 1 миллиард 30 миллион 899 минг сўм, яъни 1965 йилдагидан 107 миллион 558 минг сўм ёки 11,7 процент кўп маблағ ажратиш планлаштирилди. Бу маблағлар умумий таълим мактабларида, техникумларда, олий ўқув юртларида ўқувчилар сонини, болалар боғчаларида, касалхоналарда ўринлар сонини анча кўпайтиришни, илмий ишларни янада ривожлантиришни таъминлайди.

1966 йилда бюджетдан маориф ишларига, яъни халқ маорифига, кадрлар тайёрлашга, фан ва маданиятга бўладиган харажатлар 560 миллион 512 минг сўмни ёки 1965 йилдагига нисбатан 112,7 процентни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш ишларига бюджетдан 246 миллион 547 минг сўм ажратиш кўзда тутилади. Бу эса 1965 йилдагига нисбатан 12 процент ортиқдир.

Кўп болали оналар ва ёлғиз оналарга давлат нафақалари тўлаш учун 74 миллион 76 минг сўм ёки 1965 йилдагига нисбатан 108,9 процент миқдорида маблағ ва социал таъминот учун 147 миллион 989 минг сўм, ёки 1965 йилдагига нисбатан 8,4 процент кўп маблағ сарфланади.

СССР Олий Совети 1964 йил 15 июлда колхоз аъзоларига пенсия ва нафақа бериш тўғрисида Қонун қабул қилган эди. Колхозчиларга социал таъминот юзасидан давлат системасининг белгиланиши колхозчи деҳқонларнинг меҳнат ғайратини янада юксалтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг янги муҳим омили бўлди. 1966 йил планига мувофиқ, республикада 450 минг колхозчига 63 миллион сўмдан кўпроқ пенсия ва нафақа тўлаш кўзда тутилган. Бу эса 1965 йилдагига нисбатан 18 миллион сўм ёки 40 процент ортиқдир.

1966 йилда давлат бошқармаси ва суд органларини сақлаш учун бюджетдан 32174 минг сўм ажратиш мўлжалланди.

1966 йил планида маъмурий-бошқариш, цех (линия) ходимлари ва қўриқлаш ходимлари сонини камайтириш ҳамда уларни сақлаш учун бўладиган харажатларни қисқартириш ҳисобига 12092 минг сўм маблағни тежаш кўзда тутилган. Бошқариш аппаратини тобора такомиллаштириш, арзонлаштириш ва ихчамлаштириш зарур.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ролини ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш соҳасида кўраётган тадбирлари маҳаллий хўжаликни тўхтовсиз ривожлантириш ва маҳаллий бюджетларни кўпайтириш учун янги имкониятлар очиб берди. Етти йиллик давримда маҳаллий бюджетлар 2,4 баравар ўсди.

1966 йилда Тошкент шаҳрининг, областларнинг ва Қорақалпоғистон АССРнинг маҳаллий бюджетлари қуйидаги миқдорларда белгиланди:

	Минг сўм	Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган 1965 йил планига нисбатан процент ҳисобида
Тошкент шаҳри	139965	111,4
Тошкент области	100845	113,0
Сирдарё области	46102	113,2
Фарғона области	84086	113,4
Андижон области	97509	109,7
Самарқанд области	89000	113,7
Бухоро области	51939	114,7
Қашқадарё области	44811	117,3
Сурхондарё области	39739	115,0
Хоразм области	32756	114,6
Қорақалпоғистон АССР	63707	114,5
Жами	788459	113,0

Халқ хўжалик планида кўзда тутилган тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун республика бюджетидан Тошкент областига 20797 минг сўм, Сирдарё областига 18330 минг сўм, Қашқадарё областига 5246 минг сўм, Қорақалпоғистон АССРга 9689 минг сўм ажратилади.

Депутат ўртоқлар! Янги беш йилликнинг биринчи йилида республика олдига жуда катта халқ хўжалик вазифалари қўйилди. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи халқлари қардош оиласида коммунизм қурилиш йўлидан шаҳдам қадамлар билан олга боришларига ёрдам беради.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги планини ва Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун барча кучлари ва ижодий ғайратини сарф қиладилар ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездини шараф билан кутиб оладилар. Бунга шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат Ғ. Ғ. ЮСУПОВНИНГ қўшимча доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг Бюджет комиссияси республиканинг 1966 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджети лойиҳаларини қараб чиқди. 1965 йил халқ хўжалик плани ва бюджетининг қандай бажарилаётганлигини тасвирловчи ҳисоботларни ва бошқа материалларни ўрганди. Комиссия ўз мажлисларида 1965 йилдаги хўжалик-молия фаолиятининг натижалари тўғрисида ва республика Давлат бюджети олдидаги ўз мажбуриятларини қандай бажараётганлиги ҳақида бир қанча министрликлар ва идораларнинг ҳисоботларини тингланди.

Комиссия Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги халқ хўжалик плани лойиҳаси умумдавлат манфаатларини ҳисобга олиб тузилган ва республиканинг экономикаси, маданиятини ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш вазифаларига тўла жавоб беради, деб ҳисоблайди. Халқ хўжалик планида капитал маблағлар ҳажмининг тақсимланиши беш йилликнинг биринчи йилида республика халқ хўжалиги олдида турган вазифаларга муносибдир. Шунга биноан, Бюджет комиссияси 1966 йилги халқ хўжалик планининг ҳукумат томонидан тақдим этилган лойиҳасини маъқуллаш ва тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритади.

Комиссиянинг фикрича, республика Давлат бюджетининг лойиҳаси халқ хўжалик плани лойиҳасига мувофиқ тузилган бўлиб, бу планда 1966 йил учун мўлжалланган тадбирларни пул билан таъминлайди.

Бюджет комиссиясининг депутатларга тарқатилган хулосаларидан маълумки, комиссия кўпгина министрликлар, идоралар ва корхоналарнинг ишлари тўғрисида бир қанча танқидий мулоҳазаларини айтди. Ана шу министрлик, идора ва корхоналарнинг раҳбарлари ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятида КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари қарорларида олдимизга қўйилган вазифаларга хилоф бўлган жиддий нуқсонларга йўл қўймоқдалар.

1966 йил —корхоналарни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларига аста-секин кўчиришнинг биринчи йили бўлади. Бу ҳол биздан халқ хўжалик планини ва бюджетни бажариш жараёнида йўл қўйилаётган нуқсонларга баҳо бериш масаласига янгича ва ғоят жиддий қараши талаб этади. Афсуски, министрликлар, идоралар ва корхоналарнинг кўп раҳбарлари ана шундай нуқсонларга тоқат қилиб келмоқдалар.

Кўпгина корхоналар ишлаб чиқариш самарасини ошириш учун сust кураш олиб бораётганлигини ана шундай камчиликларнинг энг каттаси деб ҳисоблаш керак. Шу сабабли, 1965 йилда ишлаб чиқариш планлари қониқарли бажарилгани ҳолда, умуман халқ хўжалигида фойда олиш плани сал кам 62 миллион сўм миқдорида бажарилмай қолмоқда. Бу эса планнинг қарийб 8 процентини ташкил этади.

Ўзбекистон ССР собиқ Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари бўйича фойда олиш плани 33 миллион сўм, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги бўйича (асосан кўп совхозларнинг зарар кўриб ишлаши натижасида) 23,5 миллион сўм, Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги бўйича 1,2 миллион сўм, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги бўйича 1,1 миллион сўм миқдорида бажарилмай қолмоқда.

Бундай аҳвол КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг ижтимоий ишлаб чиқариш самарасини бутун чоралар билан ошириш тўғрисидаги талабларига жавоб бермайди. Фойда олиш планининг бажарилмай қолишига йўл қўйган ана шу министрликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари бундан тегишли хулосаларни чиқариб олишлари керак.

Корхоналар планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларини қўллана бошлаётган бир шароитда паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш фойдани камайтириб, махсус фондларни — ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондини, моддий рағбатлантириш фондини, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондини ишлаб чиқариш манфаатларини ҳам, корхона меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш натижаларидан моддий манфаатдорлигини, аввало, фойда олишдан манфаатдорлигини ҳам оширишни таъминлайдиган миқдорларда вужудга келтириш имкониятига анча салбий таъсир кўрсатади.

Ваҳолонки, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, республикада биринчи сортли ип газлама, пайпоқ, ич кийимлик трикотаж, уст кийимлик сорочка ва халқ истеъмол қиладиган бошқа кўп товарларни ишлаб чиқариш планлари ой сайин бажарилмай қолмоқда. Савдо министрлиги давлат инспекцияси томонидан ўтказилган текширишлар халқ истеъмол қиладиган товарларнинг сифати кўп ҳолларда ГОСТ—талабларига ва республика техника шартларига муносиб эмаслигини кўрсатади.

Шу йилнинг 8 ойи мобайнидагина савдо ташкилотлари ва истеъмолчи корхоналар тайёрловчи корхоналарга 778 та, шу жумладан чарм пойафзал тўғрисида 404 та, шойи газламалар тўғрисида 88 та, ип газламалар тўғрисида 70 та рекламация юборишдилар. Рекламация олган корхоналар орасида Маргилондаги «Атлас» фирмаси, Намангандаги йигирув-тўқув ва шойи тўқиш фабрикалари, Қўқондаги йигирув-тўқув фабрикаси, пойафзал фабрикалари ва, ҳатто Тошкент тўқимачилик комбинати синтгари республиканинг энг йирик илғор корхонаси ҳам бор.

Савдо министрлиги Давлат инспекциясининг маълумотларига кўра, 1965 йилнинг 9 ойи мобайнида маҳсулотларни қабул қилиш жараёнида бракка чиқарилгани ва сорти пасайтириб юборилганидан саноат 1,4 миллион сўм зиён кўрган.

Корхоналар ва хўжалик ташкилотлари нормал ишлаб туриш учун 1965 йилда оборот маблағлари билан тўла таъмин этилган эди. Аммо, ана шу маблағлардан нотўғри фойдаланиш, кўпгина корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва фойда олиш планини бажармаслиги, хўжасизлик ва исроф ва ғарчиликлар натижасида йил охирига келиб, дастлабки маълумотларга кўра, оборот маблағларининг қарийб 60 миллион сўм миқдорида етишмай колиши кутилмоқда.

1 октябрга корхоналар ўз оборот маблағларининг 142,3 миллион сўмини дебиторлик қарзига, 76 миллион сўмини товар-моддий бойликларнинг нормадан ортиқча запасларига банд қилиб қўйдилар ҳамда 30,7 миллион сўмини планда назарда тутилмаган капитал ремонтга ва капитал қурилишга сарфлаб юбордилар. Бу эса халқ хўжалигида тўлов интизоми савиясининг анчагина пасайиб кетишига олиб келди. 1 ноябргача республика хўжалигида муддати ўтказиб юборилган тўловларнинг жами миқдори 186 миллион сўмни, шу жумладан Давлат банкининг қарзлари бўйича 52,4 миллион сўмни ва мол етказиб берувчиларнинг счётлари бўйича 133,6 миллион сўмни ташкил этди.

Корхоналар янгича иш шароитларига кўчирилаётган бир вазиятда тўлов интизомининг бундай аҳволга тушиб қолишига мутлақо чидаб бўлмайди. Чунки янгича шароитда уларнинг фойдалатига ишлаб чиқариш даражасига қараб эмас, балки маҳсулотни реализация қилиш даражасига қараб баҳо берилади.

Янгича иш шароитида ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишда максимал самарадорликка, фондларнинг ғоят кўп фойда келтиришига эришиш жуда ҳам мураккаб. Етти йиллик мобайнида Ўзбекистон ССРда саноатнинг ишлаб чиқариш-фондлари қарийб 2,5 баравар, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш эса, 1,8 баравар кўпайди. Асосий воситаларни ишга солиш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш соҳасида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги натижасида умуман бизнинг саноатимизда асосий фондларнинг ҳар сўми ҳисобига олинган фойда камайди.

Шу муносабат билан ирригацияга ажратилаётган капитал маблағларнинг самарадорлиги синтгари республикамиз учун ҳаётий муҳим бўлган масалага тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. СССР Госстрой томонидан тасдиқланган нормаларга кўра, суғориладиган майдонлар 40 минг гектаргача бўлганида, суғориладиган ерларни фойдаланишга топшириш муддати тўрт йил қилиб белгиланган. Аммо, Шаркий Ёзёвон массивида сув хўжалиги қурилиши ўн икки йилга, Ғарбий Ёзёвон массивида тўккиз йилга чўзилиб кетмоқда. Қорақалпоғистон АССРдаги «Равшан» каналини реконструкция қилиш беш йилдан бери давом этмоқда. Республика Сув хўжалиги министрлиги 1964 йилда капитал маблағлар сарфлаш планини 100 процент бажаргани ҳолда, суғориладиган ерларни кенгайтириш планини атиги 61,6 процент бажарди.

Маълумки, саноатни бошқаришнинг янги методларга кўчирилаётганлиги корхоналарнинг молия органлари ва банклар билан ўзаро муносабатларига ўзгартишлар киритишни талаб қилади. Шу муносабат билан молия ва кредит органларининг роли анча кучайиб кетади. Улар хўжалик ислоҳотини муваффақиятли амалга ошириш учун актив ва ишнинг кўзини билиб ёрдам беришлари керак.

Сўнгги йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида республикада баъзи бир ишлар қилинди. Лекин бу муҳим соҳада ҳали камчиликлар кўп, шу камчиликлардан энг муҳими эса, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг нуқул йирик шаҳарлар ва ишчи поёлкаларида ташкил этиб келинаётганлигидир. Бош бошқарма ва унинг область бошқармалари, айниқса Ангрен, Андижон, Нукус, Хева, Урганч, Чирчиқ ва Олмалиқда маиший корхоналар қуриш планининг бажарилишини таъминламаяптилар. Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм области ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этиш учун янги қуриб битказилган уйлардан бинолар ажратиб бериш тўғрисидаги ҳукумат қарорини бажармаяптилар. Мана шуларнинг ҳаммаси маиший хизмат кўрсатиш корхоналари шохобчасини кенгайтириб юборишга тўсқинлик қилмоқда.

Шаҳарда ҳам, шунингдек қишлоқда ҳам савдони уюштиришда шубҳасиз ютуқларга эришилди. Бироқ, харидорларнинг талаблари ҳали тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Кўпгина товарларнинг сифати пастлиги, аҳоли ўртасида бозори паққос бўлган баъзи буюмларнинг магазинларда йўқлиги, бир қанча ҳолларда эса, асосий товарларни планлаштириш ва таксимлашдаги камчиликлар бунга сабаб бўлмоқда.

Бюджет комиссияси савдо ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга таллуқли масалаларни кўриб чиқишни, матлубот кооперацияси системасини зарур бўлган бинокорлик материаллари билан яхшироқ таъминлаш имкониятларини кидириб топишни республика Министрлар Советига топшириш зарур, деб ҳисоблайди.

Бюджетнинг даромад ва харажат қисмини ижро этишдаги камчиликлар депутат В. М. Муродхўжаевнинг докладида кўрсатиб ўтилди. Бюджет комиссияси социал-маданий тадбирларга бюджетдан ажратилаётган катта-катта маблағлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги тегишли министрликлар, идоралар ва ижрокомларнинг фаолиятидаги жиддий камчиликдир, деб ҳисоблайди. Бюджетдан социал-маданий тадбирлар учун ажратилаётган маблағлардан 1966 йилда тўла ва самарали фойдаланилишини таъминлаш зарур. Министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети бошқарув аппаратини янада такомиллаштириш ва арзонлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишни ҳам амалга оширишлари керак.

Мўлжаллаб қўйилганидек, бухгалтерия ҳисоботини ва ҳисобот-иқтисодий ишларни марказлаштириш ва механизациялаштириш бу масалада муҳим роль ўйнайди.

Баъзи министрликлар, идоралар ва ижрокомлар асосан капитал қурилиш учун кўпроқ маблағ ажратиб бериш ҳақида Бюджет комиссиясига ўз таклифларини киритдилар. Комиссия бюджетнинг даромадлари ва харажатларини 3.697 минг сўм кўпайтириб, шундан 1.721 минг сўмни район марказлари ва шаҳар типидаги поёлкаларнинг иншоотларини ремонт қилиш ҳамда уларни ободонлаштиришга, 1.226 минг сўмни социал-маданий муассасалар учун асбоб-ускуналар ва инвентарлар сотиб олишга, 477 минг сўмни болаларни совломлаштириш тадбирларига ва 273 минг сўмни касалхоналар учун дори-дармонлар сотиб олишга ажратиш мумкин, деб топди.

Бюджет комиссияси ана шу тузатишларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги Давлат бюджетини даромадлар бўйича 2.006.057 минг сўм ва харажатлар бўйича 2.005.907 минг сўм миқдорида, яъни даромадларни харажатлардан 150 минг сўм ошириб тасдиқлашни таклиф қилади.

Республиканинг Халқ хўжалиги плани ва Давлат бюджетида беш йилликнинг дастлабки йили учун мўлжалланган марралар муваффақият билан эгалланади, халқ хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларида жамоат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларида белгиланган вазифалар даражасига кўтарилади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Кеча олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг VII сессияси ўз ишини бошлади. Суратда: депутатлардан бир группаси танаффус вақтида. (Чапдан): Самарқанддаги Охунбобоев номли кўн заводининг сараловчиси Р. Қурбонова, «Кинап» заводининг ишчиси М. Мансурова, Пастдаргом районидаги Куйбишев номли колхоз механизатори Б. Ашурова, 26 Боку комиссари номли Самарқанд шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси Қ. Маҳмудова ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

25 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика. 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Қўшиқлар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ленин байроғи» 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — М. Левиев қўшиқлари, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.). 10.10 — «Аида» операсидан парчалар, 10.30 — Ёшлар қўшиқлари. 11.10 — «Большевикларнинг биринчи Бутун Россия конференцияси» (суҳбат), 11.25 — Шўх концерт. 12.15—Спорт эшиттириши (рус.). 12.30 — Дўстларимиз қўшиқлари, 12.50 — Грузия радиоси эшиттириши. 13.00—Чорвадорлар учун (қоз.), 13.40 — Фортепьяно куйлари. 14.00—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Концерт, 17.20 — Уйғур куйлари. 18.10 — Гитара ёқанглари. 18.30 — Концерт, 19.20—Озарбайжон куйлари. 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.15 — Эстрада-рақс куйлари. 21.20 — Концерт, 22.10 — Қўшиқ ва рақс куйлари, 22.50 — Эртаги кун эшиттиришлари, 23.10 — Дам олиш кечаси.

26 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика. 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 7.45—Ота-оналар учун, 8.25 — Концерт.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон» газеталарининг обзори.

9.30 — Ғанижон Тошматов қўшиқлари. 10.30—Концерт, 11.10 — Экран янгиликлари. 11.25 — Концерт. 12.15 — Эрталабки салом (Москва). 13.00 — Чорвадорлар учун концерт. 13.30 — Эстрада концерти, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 15.20—«Алишер Навоий» спектаклининг монтажи, 16.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.40 — Қозоқ куйлари, 19.20 — Концерт. 20.00—Концерт. 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.00 — Дунё харитаси олдида. 22.10 — Музикали эшиттириш, 22.50—Эртаги кун эшиттиришлари, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Қорбобо саргузаштлари** (болалар учун), 17.35 — **Телевизион янгиликлар.**

Ўзбек тилида: 17.50 — **Темур ва унинг дўстлари** (спорт эшиттириши). 18.20 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 18.35 — **Голубой огонёк**, 19.15—**Киножурнал** ва **Ёз табассуми** номли бадиий фильм, 20.35 — **Ота-оналар учун.**

21.00—**Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.05 — Стефан Харламб. **Аввал ўйлан, сўнг уйлан** (телевизион театр). 21.55 — **Қардош республикалар эстрада куйлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

26 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Инглиз тили** (мактабгача ёшдаги болалар учун), 12.20 — **Кўча тартиби қоидаларига риоя қилинг** (илмий-оммабоп фильм). 12.30 — **Шимол қиссаси** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 14.00 — **Концерт** (144-мактаб бадиий ҳаваскорлари ижросида). 17.00 — **Минг кўл мамлакати** (ҳужжатли фильм). 17.35—**Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.50 — **Ҳужжатли фильм**

Ўзбек тилида: 18.50 — **Студентлар учун («Ёшлик» студияси).**

Рус тилида: 19.40 — **Вахтанговчилар**, 20.25 — **Шўх бурилишлар** (бадиий фильм).

21.55—**Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 22.00 — **Концерт** (Ўзбек давлат филармонияси артистлари ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — дан **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/XII да **Боғчасарой фонтани**, 26/XII да кундуз **Коппелия.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/XII **Ўғирланган умр**, 26/XII да кундуз **Биринчи муҳаббат**, кечқурун **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/XII да **Ёшлинда берган кўнгил.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Юность» цирк коллективи гастроллари.**

КИНО

Бу телба дунё — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6-15 ва 9-15 минутда).

Вильгельм Телль — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 5 гача).

Алдаркўса — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да), НАВОИЙ номли (эрталаб 10 да).

Ғўзал ҳаёт — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11-40, кундуз 1 ярим, кеч 9 ва 10-40 минутда).

Ёир қотиллик тафсилоти — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ИСКРА» (кундуз соат 5 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз 5 дан).

Поезддаги кишилар — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 9-45 минутда).

Итальянча никоҳ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 5дан).

Байжу Бавра — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Ганга ва Жамна (Ўзбек тилида)—НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 ва кеч 6-10 минутда).

Кўн уфқ — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Лаос масаласини ҳал этиш юзасидан ўтказилган Женева кенгаши ҳамраислари томонидан Лаосда кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссия раисига юборилган мактубнинг совет лойиҳасини Англия ҳукуматига йўллаш учун бу лойиҳа 20 декабрда СССР Ташқи ишлар министрлигида Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасининг маслаҳатчи-вакили Т. Бримелоуга топширилди. Мактуб лойиҳасида бундай дейилади:

«Лаос масаласини ҳал этиш юзасидан 1962 йилда Женевада ўтказилган кенгашнинг ҳамраислари 1965 йил сентябрь ойида Польша вакилининг иштиронисиз 35-доклад тузилиб, ҳамраислар номига юборилганлигига Лаосдаги кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссия раисининг эътиборини жалб этадилар. Бундай ҳаракатлар Лаос тўғрисида Женевада тузилган битимларнинг қоидаларига хилофдир. Лаоснинг бетарафлиги тўғрисидаги декларацияга илова қилинган протоколнинг 14-моддасига биноан, комиссиянинг муҳим масалалар юзасидан чиқарадиган ва икки раисга юборилган хулосалари ва комиссиянинг ҳамма тавсиялари бир овоздан қабул қилинади.

Ҳамраислар шу нарсани қайд қилиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдиларки, комиссия Женева битимларига қаттиқ риоя қилиб иш кўрганидагина унинг ҳаракатлари наф келтира олади. Маълумки, халқаро контроль комиссиясининг бир овоздан қабул қилинган доклад ларини ҳамраислар Лаос масаласи юзасидан тузилган Женева битимларида қатнашган мамлакатларнинг ҳукуматларига юборилиб турган эди. Комиссиянинг ана шу принципдан қайтиши унинг обрўсига путур етказади ва Женева кенгаши комиссия зиммасига юклаган вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бермайди.

Ҳамраислар Лаосдаги кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссия ўз вазифаларини 1962 йилда Лаос масаласи юзасидан Женевада тузилган битимларга мувофиқ пухта бажаради, деб умид билдирадилар».

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри,

№ 301. ИНДЕКС 64543. Р. 10939